Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 16 (2304).
19 ШАНБА ЯНВАРЬ 1974 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

⊙ КПСС Марказий Комитетида марказий газеталар, журналлар, телевидение, радио ва ахборот агентликлари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда меҳнаткашларнинг 1974 йилги халқ хўжалик планини муддатидан аввал бажариш учун бошлаган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ёритиш соҳасида оммавий-пропаганда ва ахборот воситаларининг вазифалари кўриб чиқилди.

⊙ СССР Халқ контроли комитетида республика, ўлка, область ва баъзи шаҳар халқ контроли комитетлари раисларининг кенгаши бўлиб ўтди.

⊙ Союзлар уйининг колонна залида 18 январь куни «В. И. Ленин таълимоти ва иши —барҳаётдир» деган мавзуда илмий-назарий конференция очилди. Конференцияни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, ижтимоий фанлар академияси, олий партия мактаби, СССР Фанлар академияси, ижодий союзлар ва ташкилотлар чақиришган. Конференция В. И. Ленин вафот этган куннинг 50 йиллигига бағишланган.

⊙ 18 январда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Арманистон ССР пойтахти Ереван шаҳрига келди.

Озарбайжон ССР байроғида—Халқлар дўстлиги ордени

БОКУ, 18 январь. (ТАСС). Республиканинг шаҳар ва қишлоқлари байрам либосида. Озарбайжон ўлкасида катта тантана: республика байроғидаги иккита Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени ёнига бугун Халқлар дўстлиги ордени ҳам қўшилди. Озарбайжон ССР Иттифоқини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги социалистик миллатлар ва элатлар дўстлиги ҳамда қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун, Совет давлатини иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун шу орденга сазовор бўлди.

В. И. Ленин номли саройда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети билан республика Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси бўлиб ўтди. Залда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР Олий Советининг ва Озарбайжон ССР Олий Советининг депутатлари, саноат, қишлоқ хўжалиги илғорлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси жангчилари, кўпдан-кўп меҳмонлар ўтиришиди.

Тантанали мажлисни Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. А. Халилов очди. Озарбайжон меҳнаткашлари, деди у, Ватаннинг юксак мукофотини Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига зўр миннатдорчилик туйғуси билан қабул қилиб оладилар.

Совет Иттифоқи ва Озарбайжон ССР гимнлари янграйди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Кулаковга сўз берилади.

Бугунги тантанали мажлисда, деди Ф. Д. Кулаков, Озарбайжон ССРга Халқлар дўстлиги орденини топширишдек катта ва фахрли вазифани зўр мамнуният билан адо этаман. Бу мукофот — Озарбайжон меҳнаткашларининг кўп миллатли социалистик давлатимизни барпо этиш ва мустаҳкамлашдаги жуда катта хизматларининг эътирофидир, Советлар мамлакати иқтисодий қудратини мустаҳкамлашнинг муштарак ишига улар қўшган катта ҳиссага берилган юксак баҳодир.

Ф. Д. Кулаков Озарбайжон халқининг қаҳрамонона кураш ва бунёдкорлик йўли тўғрисида гапириб, Озарбайжон ишчилар синфи, Кавказнинг меҳнаткаш оммаси пролетар интернационализми байроғини ҳамиша матонат билан кўтариб келдилар, бу революцион матонатни ва интернационал қардошликка садоқатни В. И. Ленин юксак қадрлади, деб таъкидлади. Боку коммунасининг унутилмас эпопеяси революцион анъаналар ва қаҳрамонликнинг ҳаяжонли намунасидир. Боку коммунаси 26 комиссарининг номлари коммунизм қурувчилари ҳозирги ва келажак авлодлари хотирасида халққа фидокорона хизмат қилиш, ленинизм ғояларига садоқатнинг яққол намунаси бўлиб сақланиб қолади.

Сўнгра Ф. Д. Кулаков СССР Олий Совети Президиумининг Озарбайжон ССРни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди, республика меҳнаткашларини Ватаннинг юксак мукофоти билан яна бир бор муборакбод қилди ва уларга янги муваффақиятлар тилади.

Тантанали мажлис қатнашчиларининг қизғин қарсаклари остида у Халқлар дўстлиги орденини Озарбайжон ССР байроғига тақиб қўйди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев жавоб нутқи сўзлади.

У Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, республика коммунистлари ва барча меҳнаткашлари номидан юксак мукофот учун КПСС ленинчи Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

МЕҲНАТГА ШОН-ШАРАФЛАР!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Саноат, транспорт, қурилиш ишчиларини ва шу тармоқларнинг ишлаб чиқариш мастерларини, колхозчиларни ва қишлоқ хўжалиги ишчиларини бир корхонада, ташкилотда, колхоз ёки совхозда узоқ йиллар мобайнида юксак унумли фидокорона меҳнати учун мукофотлаш мақсадида I, II ва III даражали Меҳнат шуҳрати ордени таъсис этилсин.
2. Меҳнат шуҳрати орденининг статути тасдиқлансин.
3. I, II ва III даражали Меҳнат шуҳрати орденининг тасвири тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1974 йил, 18 январь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«МЕҲНАТ ВЕТЕРАНИ» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Меҳнаткашларни халқ хўжалигида, фан, маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш соҳасида, давлат муассасаларида ва жамоат ташкилотларида узоқ йиллар мобайнидаги ҳалол меҳнати учун мукофотлаш мақсадида «Меҳнат ветерани» медали таъсис этилсин.
2. «Меҳнат ветерани» медали тўғрисидаги низом тасдиқлансин.
3. «Меҳнат ветерани» медалининг тасвири тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1974 йил, 18 январь.

«МЕҲНАТ ВЕТЕРАНИ» МЕДАЛИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. «Меҳнат ветерани» медали меҳнаткашларни халқ хўжалигида, фан, маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш соҳасида, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларида кўп йиллик ҳалол меҳнати учун мукофотлаш мақсадида таъсис этилган.

Пенсия ёшига етган ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг меҳнатдаги муносиб ишларини тақдирлаб, улар пенсияга узатилаётганда медаль билан мукофотланадилар.

2. «Меҳнат ветерани» медали билан СССР Олий Совети Президиуми номидан иттифоқчи ва автоном республикаларнинг Олий Совет Президиумлари, ўлка, область ижроия комитетлари, шунингдек Москва ва Ленинград меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советлари мукофотлайдилар.

Корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг маъмуриятлари, партия ва касаба союз ташкилотлари, район, шаҳар партия, совет органлари медаль билан мукофотлаш тўғрисида таклиф киритадилар.

3. «Меҳнат ветерани» медали билан мукофотланган кишиларга мукофот одатда, ўзлари ишлаган меҳнат коллективларида топширилади.

4. «Меҳнат ветерани» медали кўкракнинг чап томонига «1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушида Шавкатли меҳнати учун» медалидан кейин тақилади.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.



Суратларда: (чапдан ўнгга) I, II ва III даражали Меҳнат шуҳрати орденлари ҳамда «Меҳнат ветерани» медали. ТАСС фотолари.

МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИНИНГ СТАТУТИ

1. Меҳнат шуҳрати ордени билан саноат, транспорт, қурилиш ишчилари ва шу тармоқлардаги мастерлар, колхозчилар ва қишлоқ хўжалик ишчилари бир корхонада, ташкилотда, колхоз ёки совхозда узоқ йиллар мобайнида фидокорона юксак унумли меҳнат қилганлиги учун мукофотланади.

2. Меҳнат шуҳрати ордени уч даражадан иборат:

I даражали Меҳнат шуҳрати ордени

II даражали Меҳнат шуҳрати ордени,

III даражали Меҳнат шуҳрати ордени.

I даража орденнинг юксак даражаси ҳисобланади. Мукофотлар III даражали, II даражали ва I даражали тартибида изчиллик билан бериб борилади.

3. Меҳнат шуҳрати ордени:

ишлаб чиқаришдаги юксак кўрсаткичлар, иш нормасини ва планларни мунтазам равишда ошириб бажарганлик учун;

юксак меҳнат унумдорлигига эришганлик, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганлик, материалларни тежаганлик ва меҳнат сарфини қисқартирганлик учун;

меҳнатдаги новаторлик, қимматли ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари, янги техника ва илғор технологияни ўзлаштириш ва улардан фойдаланишда актив қатнашганлик учун;

қишлоқ хўжалик экинларининг юксак ҳосилдорлигига ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигига эришганлик учун;

ишлаб чиқариш қувватларини, маданий-маиший объектларни, уй-жой биноларини қуриш муддатларини қисқартириш ва сифатини яхшилашга ва уларни ўз вақтида ишга туширишга қўшган катта меҳнат ҳиссаси учун;

ёш ишчилар, колхозчиларга таълим ва тарбия беришдаги катта муваффақиятлар учун берилади.

Бу орден билан юқорида кўрсатилган меҳнат хизматлари учун бир корхонада, ташкилотда, колхоз ёки совхозда узоқ йил мобайнида ишлаган кишиларгина мукофотланади.

4. Учала даражадаги Меҳнат шуҳрати ордени билан мукофотланганлар:

а) пенсияни 15 процент кўпайтириш;

б) белгиланган нормалардаги уй-жой майдони билан биринчи навбатда таъминланиш;

в) шахсан ўзи йилига бир марта темир йўл транспортида — тезюрар ва пассажир поездларининг юмшоқ вагонларида, сув транспортида — тезюрар ва пассажир линияларнинг I класс каюталарида (1 категорияли ўринларда), ҳаво транспортида ёки шаҳарлараро автомобиль транспортида текин бориб-келиш;

г) шахсан ўзи шаҳар пассажир транспортининг (таксидан ташқари) ҳамма турларидан, қишлоқ жойларда республика қарамоғидаги автомобиль транспортидан район доирасида текин фойдаланиш;

д) санаторий ёки дам олиш уйига текин путевка олиш (даволаш муассасасининг хулосасига мувофиқ йилига бир марта). Ишчиларга ишлаб чиқариш мастерларига, колхозчиларга текин йўлланмалар иш жойидан, ишламайдиган пенсионерларга — пенсия тайинлаган органлар томонидан берилади;

е) томошахоналар ва коммунал-маиший корхоналар, маданий-оқартув муассасалари хизматидан навбатдан ташқари фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Меҳнат шуҳрати ордени кўкракнинг чап томонида Шуҳрат орденидан кейин тақилади ва даражаларининг катталиги тартибида жойлаштирилади.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

1, 2 ВА 3 ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИНИНГ ТАСВИРИ

1 даражали Меҳнат шуҳрати ордени сал қавариқ зарҳал кўп бурчакдан иборат бўлиб, юқори қисмида беш тутам таралган зарҳал нур билан ўралган, қуйи қисмида эса уч қатор буғдой бошоғи дастаси бўлиб, «СССР» деган ёзув қизил эмаль лента билан ўралган. Буғдой бошоқлари, «СССР» ёзуви ва ленталар зарҳалдан.

Орденнинг ўрта қисмида қизил эмаль билан қопланган таралган нурлар фонида оксидланган домна печи ва қурилаётган гидроэлектростанциянинг қавариқ тасвири бўлиб, улар устида зарҳал ўроқ ва болға бор.

Орденнинг ўртасида шестерня тасвири доира бўйлаб ўралган. Доирага «Трудовая слава» («Меҳнат шуҳрати») деб зарҳал ҳарфлар билан ёзилган. Шестерня тасвири оксидланган.

Орденнинг юқори қисмида беш қиррали зарҳал қизил эмаль юлдузча бор.

II даражали Меҳнат шуҳрати ордени биринчи даражали орденден қуйидагича фарқ қилади: кўп бурчакнинг беш тарам нурдан иборат юқори қисми кумушсимон рангда. Орденнинг ўртаси оч-кўк эмаль билан қопланган.

III даражали Меҳнат шуҳрати орденида буғдой бошоқларнинг қуйи икки қатори, лента, шакли, «СССР» ва «Трудовая слава» («Меҳнат шуҳрати») ёзувлари зарҳалланган. Орденнинг қолган устки қисми ва ўроқ ҳамда болға тасвирлари оксидланган.

I, II ва III даражали Меҳнат шуҳрати ордени кумушдан ясалади. Орденнинг бўйи 43 миллиметр, эни 41 миллиметр.

Меҳнат шуҳрати ордени илгак ва халқача ёрдамида эни 24 миллиметрли ипак муар лента қопланган беш бурчакли колодкага туташтирилади. Лента тўқ кўкимтир тик чизиқ ва битта сариқ ранг чизиқдан иборат. Тўқ кўкимтир чизиқнинг эни 11 миллиметр, сариқ чизиқнинг эни 12 миллиметр. Сариқ чизиқ ўртасида тик қизил чизиқчалар бор: I даража орденда эни 5 миллиметрлик чизиқ, II даражали орденда ҳар бири эни 2 миллиметрлик иккита чизиқ, III даражали орденда — ҳар бири эни 1 миллиметрлик учта чизиқ бор. Лентанинг чап томони сариқ рангдаги ингичка чизиқча билан ўралган.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари.
М. ГЕОРГАДЗЕ.

«МЕҲНАТ ВЕТЕРАНИ» МЕДАЛИНИНГ ТАСВИРИ

«Меҳнат ветерани» медали диаметри 34 миллиметрлик доира шаклида бўлиб, кумушдан ясалади.

Медалнинг устки томонида таралган нурлар фонида «СССР» қавариқ ёзуви, лавр шохи, ўроқ ва болғанинг қавариқ тасвири бор. Медалнинг қуйи қисмида айлана бўйлаб тасвирланган лентага «Ветеран труда» («Меҳнат ветерани») деб ёзилган. Медалнинг олди томони оксидланган.

Медалнинг орқа томонида ялтирамайдиган оқиш фон — «Кўп йиллик ҳалол меҳнати учун» деган тўрт қатордан иборат қавариқ ёзув бор.

Медаль айланаси қавариқ шаклида.

Медаль илгак ва ҳалқача ёрдамида эни 24 миллиметрли ипак муар лента қопланган беш бурчакли колодкага туташтирилган. Колодка тўқ кўк рангдаги битта тик чизиқ, битта оч кўк ва учта энсиз оқ ва қизил тик чизиқлардан иборат. Тўқ кўк чизиқнинг эни 7 миллиметр, оч кўк чизиқнинг эни 8 миллиметр. Лента чеккалари энсиз оқ чизиқлар билан ўралган.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Қувватлар ишга тушди

Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олишга аҳд қилган коллективимиз аҳли шу кунларда юқори унум билан ишлаб, ишда қатор муваффақиятларга эришмоқдалар.

Яқинда шаҳримиздаги қатор янги ташкилот ва муассасалар газ билан таъминланди. Жумладан, Бешқайрағоч массивида ҳар бири 72 квартирали тўртта турар жой биноларини муддатидан илгари газлаштирдик. Бу бинолардаги иккита буғ қозонига соатига 500 кубометр табиий газ узатиляпти.

123-мактабда ҳам универсал буғ қозони ишга туширилди. Шунингдек, шаҳримиздаги энг кенжа «Ташсельмаш» массивида ҳам ҳар бири соатига 380 кубометрли газ иссиқлик тармоғи қозонларга уланди.

Тошкент трактор заводи массиви аҳолиси ҳам куни кеча газчиларимиздан иккита буғ қозонини қабул қилиб олдилар. Айни кунларда газ тармоқлари массив квартираларини нормал иситяпти. Самарқанд дарвоза маҳалласи аҳли ҳам ана шундай қулайликларга эга бўлди. 13-мактабда автоматлаштирилган газ қозонлари ўрнатилди.

Юбилей объекти ҳисобланган Чинни заводида эса тўрт печ қайта реконструкция қилиниб, уларнинг ҳар бирига 18 дан ортиқ горелкалар ўрнатилди. Бу чинни маҳсулотларининг сифатли тайёрланишида асосий омил бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда коллективимиз ишчилари бор имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз олдиларига қўйган вазифаларни муваффақиятли бажармоқдалар.

Шу ой охиригача шаҳримизда автоматлаштирилган бир қанча буғ қозонларини газлаштириб фойдаланишга топширамиз.

Ю. УСМОНОВ,
«Тошгаз» катта инженери.

Олтинчи нуқтада

Тошкент заминида ер ости қасрини бунёд этаётган «Главтоннельметрострой» трести иккинчи туннель отряди коллективи учун бу йил масъулиятли давр ҳисобланади. Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда метросозлар метрополитеннинг «Чилонзор», «Ҳамза» станцияларида лаҳим қазиш ишларини тугаллаш, «Октябрь революцияси» номли бекатда эса станция қурилишини битказиш каби вазифаларни амалга оширишлари даркор.

Ўтган йили ноябрда «Халқлар, дўстлиги» кўчасида метронинг яна бир станциясида қурилиш-монтаж ишлари бошланди. Бу 6 станция «Комсомольская» деб номланди. Участкага тажрибали метросоз А. Чупин раҳбарлик қилмоқда. Коллектив шу қисқа вақт ичида ҳам бирмунча ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди.

Улар шу кунларда лаҳим қазиш ишларига тайёргарликни қизғин олиб бормоқдалар. Участкада иш уч сменада ташкил этилган. Метросозлар аниқловчи йилнинг биринчи ойида 50 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишлари керак. Бундай улкан вазифани бажариш ниятида улар ўзаро социалистик мусобақа асосида меҳнат қилиб, қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бригадалар ўртасидаги меҳнат мусобақасида Г. Чихачев, А. Ерофеев, Н. Булавин бошлиқ коллективлар пешқадамлик қилишяпти.

●Диққат, янгилик!

ЯНГИ ЛЕКТОРИЙ

Кеча

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган янги лекторий ўз ишини бошлади. У университет партия комитети ва «Билим» жамиятининг бошланғич ташкилоти томонидан раҳбар ҳамда ўқитувчилар состави учун ташкил этилди.

Лекторийнинг биринчи машғулотида Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг секретари В. В. Барабаш КПСС XXIV съезди қарорлари асосида олий ўқув юртлари партия ташкилотларида олиб бориладиган ишлар тўғрисида гапириб берди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ПРАГА. «ЯК-40» реактив пассажир самолёти ЧССРда биринчи синов рейси ўтказди. Самолётни «Чехословацкие аэролинии» авиакомпанияси СССРдан сотиб олган.

ЛОНДОН. Британия оролларида бир суткадан ортиқ вақт мобайнида довулдек кучли шамол бўлди. Шамолнинг тезлиги соатига 160 километрга етди. Ла-Манш бўғозида Данияга қарашли бўлган кема ғарқ бўлиб кетди. Кема экипажининг етти аъзоси вертолётлар ёрдамида қутқариб қолинди. Яна тўрт кишини «Ленинград» совет траулери денгизда топиб олди.

КОЛОМБО. Шри-Ланка Республикаси ҳукумати яна уч минг акр ерни давлат назоратига олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ер кам ерли деҳқонлар ўртасида тақсимланади.

СИНГАПУР. Сингапурда унинг нархи 25 процент қимматлашди. Ун нархининг қимматлашуви нон-булка маҳсулотларининг нархига таъсир этди.

МОНТЕВИДЕО. Ўтган йили Уругвайда кун кечириш 77,51 процент қийинлашди.

БУЭНОС-АЙРЕС. Панама Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Герал Омар Торрихос расмий визит билан Аргентинага келди. Аргентина вице-президенти Мария Эстел Де-Перон Панама раҳбарини табриклаб аэропортда сўзлаган нутқида, бу визит Лотин Америкаси мамлакатларининг бирлигини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деди.

НЬЮ-ЙОРК. Детройт савдо шоҳобчаларининг юк машиналари ҳайдовчилари ва омбор ишчиларидан 2,5 минг киши забастовка бошлади. Улар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

ҚОҲИРА. Миср геологлари Мисрнинг юқори қисмидаги Абу-Тартур районида фосфат чиқадиган йирик кон топдилар. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, янги коннинг запаси бир миллиард тоннага етади.

БОМАКО. Совет Иттифоқининг қурғоқчиликдан зарар кўрган Мали аҳолисига берган ёрдами совет халқининг мамлакатимиз халқлари билан бирдамлиги ва самимий дўстлигининг яна бир далолати бўлди. Мали Қизил крест ва Қизил ой жамияти союзининг бош секретари Умар Коне СССР Қизил крест ва Қизил ой жамияти союзининг тўрт ярим тонналик дори-дармондан иборат совғасини қабул қила туриб, шуларни айтди.

ДОРУССАЛОМ. Биз мустамлака ва ирқчилик зулми остида азоб чекаётган Африка халқларининг ҳаққоний озодлик курашини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаймиз, — деди Танзания президенти Жулиус Ньерере чет эл дипломатлари учун уюштирилган қабул маросимида.

Ж. Ньерере ўз нутқида араб территорияларини босиб олишни давом эттираётган Исроил ҳукмрон доираларининг сиёсатини қоралади. Президент реакцион ҳарбий хунтага қарши кураш олиб бораётган Чили халқи билан бирдам эканлигини изҳор қилди.

ДЕҲЛИ. Покистон ҳарбий асирлари ва граждан шахсларини Ҳиндистон ва Бангладешдан ҳамда бенгалларни Покистондан қайтариш муваффақиятли давом этмоқда. Деҳли шартномасига биноан ҳозиргача уч мамлакатдан 150 мингдан ортиқ киши ўз ватанига қайтарилган.

НИКОЗИЯ. Кипр полицияси Ларнака шаҳри районида генерал Гриваснинг яширин террористик ташкилотига қарши операция ўтказди. Бир неча ўн киши қамоққа олинди.

(ТАСС).

Партия зафарларга чорлаяпти

Меҳнат шижоати

Ҳар бир меҳнат коллективида ички резервларни сафарбар қилиш негизида маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш мумкин, дейилган КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида.

Жанговар чақириқ 1-пойафзал фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларида ҳам янги куч-ғайрат уйғотди, уларнинг меҳнат ва ижодий фаолликларини ошириб юборди. Коллектив, беш йилликнинг тўртинчи йилини меҳнат жасоратлари билан нишонлашга даъват этувчи КПСС Марказий Комитетининг бу Мурожаатини муҳокама этиб, уни якдиллик билан қувватлади.

— Фабрикамиз коллективи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида партия ва ҳукуматимизнинг 1973 йилда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги Қарорига жавобан меҳнат активлигини ошириб, катта ютуқларга эришди, — дейди ўз сўзида фабрика касаба союз комитетининг раиси **Р. Мусаева**. — Бутуниттифоқ енгил саноат корхоналари коллективлари ўртасида 1973 йилда олиб борилган социалистик мусобақада фабрика коллективи биринчи ва иккинчи кварталда ғолиб чиқди, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ҳамда енгил саноат ходимлари касаба союзлари республика комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Ҳозир 924 киши коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни олган, 260 ишчи ана шу ном учун курашмоқда. 15 киши «1973 йил социалистик мусобақа ғолиби» деган нишон билан мукофотланди.

— Социалистик мусобақада корхонанинг тўрт юздан ортиқ коммунистлари байроқдор бўлишяпти, — деди сўз олиб фабрика партия комитетининг секретари **К. Мирзаев**, — Беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилган кўплаб ишчилар меҳнатда пешқадамлик қилмоқдалар. Коммунист ишчи Т. Расулев, бичиқчи А. Ермилова, рантчи С. Сиддиқовлар беш йиллик шахсий топшириқларини уч йилда бажаришга муваффақ бўлдилар. 63 киши 1975 йил, 218 ишчи 1974 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Фабрика коллективи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида 4 миллион 335 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажарди ва планга қўшимча 57 минг жуфт ҳар хил пойафзал реализация қилди.

Иқтисодий тежамкорликни авж олдирган ижодкорлар йил давомида 4 миллион дециметр юмшоқ ва чармбоп танавор тежашга, бу билан 420 минг сўм иқтисодий фойда кўришга муваффақ бўлдилар. Шу кунларда 1975 йилнинг май ойи ҳисобига меҳнат қилаётган бичиқчи **М. Рихсиев** шундай дейди:

— КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида **кам чиқим қилиб, кўпроқ, яхши сифатли маҳсулотлар тайёрлайлик**, деб алоҳида таъкидланган. Бу ҳар биримиздан ўз вазифамизга нисбатан масъулиятни оширишни, маҳсулот сифатини яхшилашни талаб қилади. Чунки, маҳсулот сифати, ассортименти ҳали бизда нисбатан мақтанарли эмас.

М. Рихсиев беш йилликнинг ўтган уч йилида 230 минг квадрат дециметрдан ортиқ танавор тежашга эришди. Шунча материалдан 1700 жуфтга яқин пойафзал тайёрлаш мумкин. У бошлиқ бригада ўтган йили беш бор социалистик мусобақа ғолиби бўлиб чиқди.

— Бригадамиз аъзолари,— дейди М. Рихсиев, — Мурожаатга жавобан аниқловчи йилда ҳал қилувчи йилдагидан янада яхшироқ ишлашга қарор қилди. Мен беш йиллик шахсий топшириғимни тўрт йилда эмас, балки Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллик юбилейига бажаришга аҳд қилдим.

— Беш йил мобайнида ўз касбимдан ташқари аралаш касбларни ҳам эгалладим, —дейди 7-цех ишчиси **М. Йўлдошева**, —Нормамни 1,5 баравар бажаряпман. Менинг шиорим: эртага бугунгидан яхшироқ ишлашгина эмас, балки ўз билимимни ҳам доимо ошириб боришдан иборат. Мен беш йиллик охирида олий маълумотлик дипломини оламан. Амалиётни назария билан қўшиб бориш яхши самара беряпти.

—Ўтган йили фабрика ижодий фикр эгалари ишлаб чиқаришга қирқдан ортиқ рационализаторлик таклифларини жорий этдилар, — дейди ремонт механика цехининг мастери **Г. Ульянов**. — Бундан корхона йилига 40 минг сўм иқтисодий фойда олади. Мурожаатда иқтисодий самарадорликни ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган экан, демак ҳар биримиз ҳам ижодий изланишимиз керак.

Янги йилда пойафзалларнинг сифатлилиги ва бежиримлилиги билан харидорларни қувонтириш учун қандай тадбирлар кўрилмоқда?

— Аввало, 1974 йилда ишлаб чиқариладиган пойафзалларнинг янги хиллари ўзлаштирилади, — дейди фабрика бош инженери **С. Мурунов** бу саволга жавоб берар экан. — Ўсмирлар учун хилма-хил пойафзаллар, эркакларнинг моделли ботинка ва туфлилари, хотин-қизлар этиклари кўплаб тайёрланади.

Маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида келтирилган материаллар сифатини текшириш, иш жараёнларини назорат қилиш ва техника контроли бўлими ишини яхшилаш каби тадбирлар белгиланди.

Коллектив технология ва меҳнат интизомини бузувчиларга қарши қатъий кураш олиб боришга, ойда бир марта «Сифат куни» ўтказишга қарор қилди.

Фабрикада беш йилликнинг аниқловчи йилида ўтган йилдагидан 775 минг жуфт кўп пойафзал ишлаб чиқарилиши керак.

Коллектив Мурожаатга жавобан ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқди. Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида планга қўшимча 200 минг сўмлик ҳажмида 40 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилинди.

Бундай юксак маррага фабрика янги ишлаб чиқариш корпусининг лойиҳада белгиланган қувватини тезда ишга солиш ва ўзлаштириш, унинг самарасини ошириш туфайли эришилади.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг коллективи тўққизинчи беш йилликнинг аниқловчи йили топшириқларини шараф билан бажариб, маҳсулот ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқда. Корхона ишчилари ўртасида тўққизинчи беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан илгари бажариш ҳаракати ой сайин кенг қулоч ёзмоқда. Мана бу суратда сиз корхонанинг ёш зарбдор чевари, комсомол аъзоси Азиза Шукуровани кўриб турибсиз. Бу ёш чевар мунтазам равишда смена топшириқларини 120 —130 процент бажариб, сифатли маҳсулот топширади.

М. Нуриддинов фотоси.

Бинокорлар—республика юбилейига

ЗЛОБИНЧАСИГА

А. Дунец бошлиқ бригада 7-ихтисослаштирилган қурилиш бошқармасида илғор коллективлардан бири. Шунинг учун ҳам, бу бригада «Ташинжстрой» трестида биринчилардан бўлиб москвалик ташаббускор бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобиннинг бригада пудрати методи асосида меҳнат қилишга ўтган.

1973 йилда коллектив Тошкент телевидениесининг янги маъмурий ва студия бинолари комплекси қурилишига коммуникацияси коллекторлари ўтказишни пудратга олган эди. Иш вақтидан ва механизмлардан унумли фойдаланиш, бригада аъзоларининг тадбиркорлиги натижасида улар ўтган йили графикда белгиланганидек 200 минг сўмлик эмас, балки 404 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди.

Бригада аъзолари Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллик юбилей объектига коммуникация коллекторлари ўтказишни муддатидан икки ой илгари бажариш учун кун сайин суръатни оширмоқдалар.

Ш. АБДУЛЛАЕВ.

КОММУНИСТЛАРНИНГ ТАШАББУСИГА БИНОАН

Коммунист Валерий Алехинни «Ташсельмаш» заводининг биринчи қуюв цехида бирга ишлайдиган ўртоқлари ишлаб чиқариш муваффақияти билан табриклашди. У раҳбарлик қилаётган қолипчиларнинг комсомол-ёшлар бригадаси бир сменада топшириқдагидан 55 дона кўп — 720 дона металл қуйиш қолипи тайёрлади. Алехин бир неча кун муқаддам цех йиғилишида сўзлаб, у бошлиқ бригада КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан зарбдор иш билан жавоб беради, деди.

— Бир минут ҳам бекор кетмаслиги учун меҳнат қиламиз, — деди бригадир.

Мана биринчи якун. Иш якунларига қараб коммунистнинг сўзи бекорга айтилмаганлигини фаҳмлаш мумкин.

Формовкачилар топшириқни ошириб бажаришлари осон бўлмади. Уларнинг барча иши конвейерга ўтказилган. Конвейернинг тезлиги эса доимий бўлиб, минутига 4,7 метр ўтиб туради. Технология линиясининг бирон бир участкасида кичкинагина келишмовчилик содир бўлса, формовка машиналари озгина бекор туриб қолса конвейернинг бир маромда ишлаши бузилади. Бригадир меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини қидириб топишга ҳаракат қилиб мастер Мирсобир Миркомилов билан биргаликда конвейер ишини синчиклаб ўрганиб чиқди. Резервларни қидириб топишда бригаданинг бошқа икки коммунисти формовкачилардан Светлана Боровских ва Герасим Ан, комсомол аъзоларидан Ольга Бешнева, Юрий Нуриддинов ва бошқа ишлаб чиқариш илғорлари актив қўшилдилар. 1974 йилга мажбурият қабул қилиш вақти келганида ҳамманинг таклифи бир ердан чиқди. Бригада юксак меҳнат интизоми, ўзаро кўмаклашиш, техникага меҳр билан муносабатда бўлиш ҳисобига ишлаб чиқариш суръатини оширишга қарор қилди.

Комсомол-ёшлар бригадасининг аъзолари энди бир текисда меҳнат қилишмоқда. Сменанинг биринчи минутларидаёқ юксак суръатга эришилмоқда. Формовкачилар машиналарни яхшилаб ўрганиб уларни синчиклаб созламоқдалар, слесарлардан профилактика ремонтини ўз вақтида ўтказилишини талаб қилмоқдалар.

Об-ҳавонинг ноқулай келганлигидан бригаданинг баъзи-бир аъзолари шу кунларда касал бўлиб қолди. Бригада аъзоларининг ҳар бири бир неча мутахассисликни билиши ёрдам берди: касал бўлиб қолган формовкачилар ўрнини ёрдамчи ишчилар эгаллашди.

Коммунист Алехин бошлиқ бригада беш йилликнинг тўртинчи йилида ўзининг сменадоши комсомол аъзоси Григорий Пак бошчилигидаги бригада билан мусобақалашишни давом эттирди. Мусобақадош коллективлар ишни қандай олиб бориш, КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатига ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1974 йилда халқ хўжалиги планини муддатидан аввал бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси тўғрисида»ги қарорига қандай ишлар билан жавоб бериш тўғрисида биргаликда келишиб олдилар.

Иккинчи смена мастери коммунист Шомил Гайнуллиннинг таклифига биноан формовкачилар формовка конвейерини бир-бирларига топширишнинг аниқ тартибини белгиладилар. Мусобақадош дўстлар сменани қабул қилган бригада зарур материаллар билан етарли ҳолда таъминланганлиги тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Формовка машиналари сменадан сменага бекаму кўст топширилади. Тажриба алмашиш йўлга қўйилган, ишлаб чиқариш ўқувининг ягона программасини ташкил этиш тўғрисида келишиб олинган.

Коммунист Шомил Гайнуллин сменаси январь ойининг биринчи ярмида икки маротаба кунига 716 донадан қолип ишлаб чиқарди. Мусобақалашаётган икки коллектив ёнма-ён бормоқда, иккала смена зиммаларига олган мажбуриятларни ошириб бажармоқда.

Г. ЛИПШИЦ,
УзТАГ мухбири.

Доимий комиссиялар иш тажрибасидан

ХАЛҚ ҒАМИНИ ЎЙЛАБ

Биз яқинда Октябрь район Советининг депутати Муяссар Эшонхўжаева раҳбарлик қилаётган район соғлиқни сақлаш ва социал таъминот доимий комиссияси иш фаолияти билан танишдик.

Аввало, шуни айтиш керакки, доимий комиссия иш услуби ва методларини анча яхшилаган. У медицина ва социал таъминот масалалари билан чуқурроқ танишиб, Совет қарорларининг мукаммал бажарилишини доимо назорат қилиб бораётганлиги туфайли, комиссия томонидан ижроия комитет мажлисларига киритилаётган масалалар савияси ҳам яхшиланиб бормоқда. Кўрилаётган масалалар тематикаси кенг. Комиссия аъзоларининг жамоатчилик масалалари бўйича гражданларни тез-тез қабул қилиб туриши натижасида меҳнаткашлардан тушаётган ариза ва шикоятлар сони ҳам анча камайди.

Доимий комиссия иш фаолияти унинг аъзолари ва раис этиб сайланган кишининг ишчанлиги ва ташаббусига боғлиқдир. Масалан, биргина М. Эшонхўжаевани олайлик. У шу комиссияга раислик қилиш билан бир қаторда, бошқа талай жамоат ишларини ҳам бажаради. У шаҳар партия комитети ва шаҳар халқ контроли комитетларининг ҳам аъзосидир. М. Эшонхўжаева 6-шаҳар касалхонасининг бош врачи сифатида беморлар томонидан ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Чунки у касалхонадаги ҳар бир бемор билан дўстона суҳбатлашади. Унинг соғайиб кетиши учун барча билим ва тажрибаларини ишга солади.

Доимий комиссия ўз иш планига эга. Шунга кўра, у район меҳнаткашларига медицина хизмати кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, болалар муассасалари ишини яхшилаш, район территориясидаги олий ўқув юртлари, техникум ётоқхоналарининг озода ва намунали бўлиши, Улуғ Ватан уруши инвалидларига ва кексаларга пенсияларни ўз вақтида етказиб бериш ишларини мунтазам назорат қилиб боради.

Комиссия адресига меҳнаткашлардан тушган бир шикоятда Большевик маҳалласида касалхона филиалини очиш лозимлиги ҳақида гап борарди. Комиссия аъзолари бу шикоятни ўрганишга киришдилар. Маълум бўлишича, чиндан ҳам Большевик маҳалласи марказий касалхоналардан анча узоқда экан. Бу ерда касалларга медицина ёрдами кўрсатиш ночор аҳволда эканлиги аниқланди. Комиссия маҳаллада касалхона филиалини очиш ҳақида қарор қабул қилиб, ижрокомга мурожаат қилди. Райижроком бу масала билан чуқур танишиб, комиссия таклифини маъқуллади. Эндиликда, маҳалла ўз касалхонасига эга.

Комиссия аъзолари олий ўқув юртларида ҳамда ҳунар-техника мактабларида озодагарчиликнинг қай даражада эканлигини текширишга қарор қилдилар. Улар халқ хўжалиги институти, 20-ҳунар-техника мактаби ва хотин-қизлар билим юрти студентларининг турмуш шароити, ётоқхоналардаги аҳвол билан танишдилар. Текширув натижасида бу ерда қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Кўп хоналар ифлос, ўз вақтида супуриб-сидирилмас экан. Бу ерда фаррошлар ишини назорат қилиб бориш сусайтириб юборилган. Студентлар ўз хоналарини озода сақлаш учун бошқа ётоқхоналарда ташкил этилганидек ўзаро мусобақалашмайдилар. Аниқланган камчиликлар студентлар ўртасида муҳокама қилинди. Улар келгусида бу нуқсонларни ҳисобга олиб, ўз хоналарини озода ва намунали сақлаш учун ваъда бердилар.

Комиссиянинг жонкуяр аъзоларидан К. Ашуров, Б. Файзуллаева, В. Мирҳожиев, С. Содиқовлар ўзларига топширилган ҳар бир ишга чуқур масъулият билан ёндошадилар. Улар ўтказган текширувлар яхши натижалар беради. Камчиликлар рўй-рост очиб ташланади.

Сайловчилардан Д. И. Пересипкина, З. И. Котлова, Н. И. Галиевалар ўз пенсияларини расмийлаштириш учун ёрдам сўраб комиссия аъзоларига мурожаат қилишди. Уларнинг аҳволлари билан дарҳол танишилиб, уларга ёрдам берилди. Бундай мисолларни комиссия фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин.

А. ЖЎНАЙДУЛЛАЕВ.

КУТУБХОНА ЯНГИ БИНОДА

Октябрь районидаги Ойбек номли болалар кутубхонаси Бешқайрағоч массивида фойдаланишга топширилган янги бинога кўчиб ўтди. 30 мингдан ортиқ китоб фондли болалар кутубхонасида барча қулайликларга эга бўлган ўқув заллари мавжуд.

ХАЛҚАРО АХБОРОТ: ВОҚЕАЛАР. ФАКТЛАР. ЯНГИЛИКЛАР

МИСР НОСИРНИНГ ҲУРМАТИНИ БАЖО КЕЛТИРМОҚДА

ҚОҲИРА. (ТАСС). Миср халқи ўзининг атоқли фарзанди Жамол Абдил Носир туғилган куннинг 55 йиллигини кеча кенг нишонлади. Газеталар Жамол Абдил Носирнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган мақола ва фотосуратларни босиб чиқармоқдалар.

Жамол Абдил Носир, деб ёзади «Ал-Аҳром» газетаси, ўзининг бутун ҳаётини империализмга қарши, миллий мустақиллик, иқтисодий юксалиш ва социал тараққиёт учун курашга бағишлади. Унинг 1952 йил 23 июль революциясида ўз ифодасини топган ғоялари миср халқи сионистларнинг ҳануз давом этаётган агрессиясига қарши кураш олиб бораётган ҳозирги пайтда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Куба ўртоқ Л. И. Брежневни кутмоқда

ГАВАНА. (ТАСС мухбири). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Кубада бўлган вақтида марксизм-ленинизм таълимоти туфайли, биз бутун инсониятнинг порлоқ келажаги сари биргаликда борилаётган умумий йўлни нурафшон қилиб турган шу таълимот туфайли халқларимиз ва партияларимизни чамбарчас боғлаб турган чуқур қардошлик туйғулари ва буюк бирдамлик ҳислари намойиш қилинади, деди Куба Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Рауль Гарсия Пелаес.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакатимизга қиладиган визити—бутун Куба халқи учун, партиямиз ва ҳукуматимиз учун зўр қувончдир, — деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда. Халқимиз ўртоқ Л. И. Брежневни қизғин ва самимий табриклаш билан, у орқали барча совет кишиларини ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини табриклайди. Эндиликда жаҳон социализмининг авангард кучи бўлган ишчи ва деҳқонларнинг инсоният тарихида биринчи давлатини барпо этишга олиб келган Октябрь революциясини амалга оширганларга меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик туйғуларини изҳор этади.

Бу тарихий визит ўзининг муҳимлиги ва аҳамияти жиҳатидан Куба ва Совет Иттифоқи халқлари билан коммунистик партияларининг манфаатлари доирасидагина чекланиб қолмайди. У умуман халқаро вазиятга, хусусан Латин Америкасидаги аҳволга катта таъсир ўтказиши шубҳасиз. Латин Америкаси халқлари Куба революциясининг ютуқларини умид ва тобора зўр қизиқиш билан кузатиб турибдилар.

Куба — Совет ҳамкорлиги ва совет халқи Куба халқига бераётган самимий, беғараз ва самарали ёрдам бизнинг экономикамиз ва мудофаа қобилиятимизни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учунгина муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмайди, деб таъкидлади Рауль Гарсия Пелаес. Бу ҳамкорлик ва бу ёрдам Америка ва бутун дунё халқларига коммунистик бирдамлик моҳиятини, марксизм-ленинизм таълимоти ҳамда халқларимиз қардошлигининг тўғрилиги ва кучини намойиш қилади.

Бу —ҳамма халқлар учун, айниқса ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари учун порлоқ намунадир. Улар капитализм билан социализмнинг сиёсати ўртасидаги, халқларни янги мустамлакачилик асоратига солиш ва эксплуатация қилишга қаратилган машъум капиталистик «ёрдам» билан чинакам озодлик йўлига ўтиб олаётган халқларга социалистик ҳамдўстлик бераётган чинакам ёрдам ва мадад ўртасидаги тафовутни равшан кўришлари мумкин.

Н. ЧИГИРЬ.

Яқинда Франция жанубидаги ва марказидаги районларда қаттиқ шамол билан ёққан жала тошқинга сабаб бўлди. Электр линиялари шикастланди, йўллар бузилди, кўпгина аҳоли пунктлари ташқи оламдан ажралиб қолди.

СУРАТДА: Вале-де-Лимань аҳоли пункти (Клерман Ферранадан 12 километр олисда) табиий офат кунларида.

Кейстон — ТАСС фотоси.

ЭРОНДА ҚАЛИН ҚОР

ТЕҲРОН. (ТАСС). Сўнгги уч кун мобайнида ёққан қалин қор Эроннинг шимолий ва марказий районларида нормал ҳаётни издан чиқариб қўйди.

Баъзи жойларда қорнинг қалинлиги 3-4 метрга етади. Автомобиль қатнови тўхтаб қолди. Мамлакат пойтахтини ярим метр қор босган. Теҳроннинг шимолий қисми шаҳарнинг бошқа районларидан қор уюмлари оқибатида ажралиб қолди. Аэропортлар ишламаётир. Мактаблар ёпилган. Асрий дарахтлар хўл қорнинг оғирлигини кўтаролмай қулаб тушмоқда. Эронлик қариялар қиш бундай келганини эслай олмайдилар.

БКП II съездидан кейин

ДАККА, (ТАСС). Бангладеш Республикасининг пойтахтида Коммунистик партия округ комитетлари биринчи секретарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Бангладеш Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари М. Фарҳод кенгаш қатнашчилари ҳузурида мамлакатдаги сиёсий аҳвол тўғрисида ва бир қанча ташкилий масалалар юзасидан доклад қилди.

«Сангбад» газетасининг хабар беришича, кенгаш қатнашчилари БКПнинг ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган II съезди қарорларига мувофиқ партиянинг ташкилий структурасини янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Кенгаш съезд қарорларини тушунтириш ва бажариш юзасидан жойларда кенг кампания ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ПЕКИННИНГ «ОҚ ФОТИҲАСИ»

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Кейинги вақтларда Хитойнинг бир қанча арбоблари Осиёда Америка қўшинларини сақлаб туришни ёқлаб чиқдилар ва «хавфсизлик тўғрисида» деб аталган Япония—Америка шартномасини қўллаб-қувватладилар. Маълумки, шу шартномага мувофиқ Японияда Америка қўшинлари ва ҳарбий базалари жойлаштирилган.

Ҳиндистондаги нуфузли «Деккан геральд» газетаси «Хитой Қўшма Штатлар қўшинларини Осиёда сақлашга оқ фотиҳа бермоқда» деган сарлавҳа остида босиб чиқарган мақоласида жумладан, бундай дейилган:

Қўшма Штатларга нисбатан Хитойнинг позицияси доимо ўзгариб бораётганлигини кўриб турган кузатувчилар ХХРнинг расмий кишилари «хавфсизлик тўғрисида»ги Япония—Америка шартномасини ёқлаб чиққанларига унчалик ажабланмадилар. Хитой арбобларининг айтаётган гаплари Пекиннинг Осиёда Америка қўшинларини сақлаб туриш тўғрисидаги масалада тутган позициясининг кескин ўзгариши ва оқибатда бу шартномани бекор қилиш тўғрисида ўзининг аввалги талабидан воз кечиши йўлида яна бир қадам қўйилганлигини билдиради. Американинг Осиёдаги қўшинларини батамом олиб чиқиб кетишни ошкора талаб қилиб келган Хитой энди ўз позициясини шу қадар ўзгартирдики, натижада ҳозир у Америка қўшинларининг Осиёда туришини табрикламоқда. Хитой арбобларининг юқоридаги гаплари буни яққол исботлайди.

Исроилнинг иғвогарлиги

ДАМАШҚ. (ТАСС). Исроил қўшинлари ўтган уч кеча-кундуз мобайнида Сурия—Исроил фронтининг марказий участкасида олдинги позициясини уч марта мустаҳкамлашга уриндилар.

Сурия ҳарбий қўмондонлигининг вакили душманнинг олдинги позицияга ўтишга қилган барча уринишларини Сурия тўпчилари барбод қилишди, деб хабар берди.

Товарлар—халққа

ФАРҒОНА. Пиво-лимонад заводида янги ишлаб чиқариш корпуси ишга тушди. Бу ерда минераллаштирилган Фарғона сувини шишага қуядиган автомат линия ўрнатилди. Ленинграддаги «Деппишемаш» заводи етказиб берган ускуналар бир соатда 6 минг дона шишага сув қуя олади.

Ҳозир корхона Ўзбекистоннинг савдо шохобчаларига ҳар йили 11 миллион шишадан ортиқ Фарғона суви етказиб бермоқда. Бу сув шифобахш ва яхна ичимлик сифатида харидорлар ўртасида катта шуҳрат қозонган. Беш йиллик охирига бориб бу рақам бир мунча ортади. Сув манбаи очилган. Олтиариқ посёлкаси яқинида Фарғона пиво—лимонад заводининг замонавий ускуналар билан жиҳозланган филиали қурилади.

* * *

ҚЎҚОН. Қўқон пойафзал фабрикасининг цехларида баҳорнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлди. Фабрика конвейеридан баҳорги-ёзги дастлабки минг жуфт пойафзал тушди. Оёқ кийимининг янги нусхаларини маҳаллий модельерлар ишлаб чиқишди. Корхонанинг янги маҳсулотлари орасида аёлларнинг оқ хромдан тайёрланган туфлилари, шиппаклар ва бошқа маҳсулот бор.

(ЎзТАГ).

Тошкент электротехника алоқа институтининг студентлар конструкторлик бюросида кўпгина яхши ишлар қилинаяпти. Студентлар кичик габаритли телефон станциялари, жажжи узаткичлар ва бошқаларни яратмоқдалар.

СУРАТДА: студентлар —Шуҳрат Султонов ва Людмила Артуганова конструкторлик бюросида ишлашаётган пайт.

А. Авазов фотоси, (ЎзТАГ).

Шанба оқшоми

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

⊙ Роҳат ва саломатликни истаган киши бирор нарсага ҳаддан зиёда муҳаббат боғламаслиги ёки нафрат қилмаслиги, ортиқча сўзлашдан чекиниши ва текширмасдан ҳар кимга ишониб кетмаслиги керак.

⊙ «Кўп нарсани биламан, ҳар нарсадан хабардорман», — деб керилиб юрганлар аслида ҳеч нарсадан хабари бўлмаган кишилардир.

⊙ Ҳар ишда муваффақият қозониш саъе ва ҳаракат соясида вужудга келади, ялқовлик ниҳоят фалокат ва ҳалокат билан натижаланади. Меҳнат ва машаққатсиз ҳеч бир иш юзага чиқмайди. Шу тўғрида шоир Ҳувайдо айтади:

Ҳувайдо, ҳар ишийки,
бемашаққат бўлмагай ҳосил,
Машаққат тортмагунча, ёр
васлига етиб бўлмас.

⊙ Суқрот ҳаким айтади:
— Биров бахтсизликка йўлиқса, ундан кулма, арслон ҳам шунча кучлилиги билан тузоққа илинади.

⊙ Аҳмад ибн Саҳл исмли бир араб олими айтади:
— Одамлар фазилатлари жиҳатидан учга бўлинадилар: бир хиллари фазилатларини оталаридан ҳам, зиёда қилиб, олий фазилатга эга бўладилар. Бир хиллари оталаридан ортиқ фазилатга эга бўлмайдилар, учинчи хил одамлар эса, ҳатто оталарининг фазилатларини йўқотадилар, ҳар бир фазилатдан қуруқ қоладилар.

⊙ Бир донишманд айтади:
— Бировнинг ёз куни мияси қайнамаса, қиш куни қозони қайнамайди, яъни ёз куни ишламаса, қиш куни қорни тўқ бўлмайди.

⊙ Алишер Навоий қўпол муомалали табиблар ҳақида айтади:
— Ўз фанида моҳир бўлса ҳам бадфеъл, қўпол сўзли табиб бир томондан беморни даволаса, бир қанча жиҳатдан унинг мижозини ўзгартиб қўяди. Табиблик илмидан хабари бўлмаган жоҳил табиб жаллоднинг шогирдига ўхшайди: жаллод тиғ билан, бу эса заҳар билан ҳалок қилади. У, гуноҳкор деб ҳисобланган кишини қатл этса, бу табиб бегуноҳни йўқ қилади.

⊙ Ялқовлик секинлик билан ҳаракат қилади-ю, унинг орқасидан йўқчилик ва хорлик дарров етишиб келади.

⊙ Доим ўт билан ўйнашган киши ниҳоят бир кун ўт учқуни билан ўзи туташади.

⊙ Маҳмадона, валдировчи одам очиқ бир мактубга ўхшайди, у мактуб ичида нима ёзилган бўлса ҳамма ўқийди.

⊙ Ўзининг қаҳру-ғазабини, тажанглигини енгган киши келгуси истироҳатини таъмин қилган бўлади.

⊙ Мўътабар бир одам ўз ўғлини бир гуноҳи учун аччиқланиб, уйидан қувлаб чиқарди. Аҳнаф ибн Қайс исмли дўсти буни кўриб, унга насиҳат қилиб, шундай деди:
— Фарзандларимиз кўнгилларимизнинг меваси, таянчимиз, устунимиздир. Уларнинг баъзи камчиликлари учун урмай-сўкмай, мулойимлик билан йўлга солишимиз керак. Бирор ишимиздан ҳақли норози бўлсалар, норозиликларини кетказишга уринайлик, уларга ҳақорат кўзи билан қарамайлик. Керакли вақтда уларнинг эҳтиёжларини таъмин этиб турайлик, ширин сўз, очиқ юзлилик билан муомала этайлик, қўпол гаплар айтиб ўзимиздан бездирмайлик. Шундай қилсак, фарзандларимизнинг бизга муҳаббатлари ортади, ҳар бир буйруғимизга итоат қиладилар.
Улуғ мартабали киши Аҳнафнинг сўзидан таъсирланиб, ўғлини ҳузурига чақирди, унга илтифотлар қилиб, гуноҳини кечирди, ўғли ҳам отасидан кечирим сўраб, бундан сўнг ота амридан чиқмасликка сўз берди.

⊙ Ақлнинг ғояси иродананинг гўзал идора қилинишидан иборатдир.

⊙ Ҳайрли сўз сўзла, ҳайр кўрасан.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

ҚИШ МАНЗАРАСИ

Оппоқ ҳарир парда ёпинган борлиқ,
Кўк булут — говмишин бетиним соғар.
Атроф шундай гўзал, шундай виқорлик,
Гўё қормас, олтин зарралар ёғар.
Яхмалак отишар бир тўп болалар,
Қувончига олам келгудайин тор.
Сезилмас аёз ҳам бундай паллалар,
Улар кўнгли каби ҳаво беғубор.
Она замин меҳри, ҳарорати-чун,
Дарахтлар саждаға эгиб турар бош.
Пинҳон орзуларин куйлашар беун,
Тушларига кирар баҳор ва қуёш.
Олис уфқларин нигоҳ-ла қучиб,
Кўкўпар бинолар сурмоқда хаёл.
Кранлар бўй чўзган — совуқдан жунжиб,
Бир оёқда турган лайлаклар мисол.
Хиёбонлар худди ёзиқ дастурхон,
Қиш унда ўз базмин эттирар давом.
Тўймай тикиламан, дилда ҳаяжон,
Шодлик ёғаётир гўё бу айём.
Дўстлик қудратидан яшарган шаҳрим,
Оқ рўмол ўраган келиндай зебо.
Азалий удумин ёд этиб балким,
Тангалар сочмоқда бошидан само....

Насриддин МУҲАММАДИЕВ.

Маслаҳатимиз

⊙ Картошкани артиб бўлгач, сувда кўп сақламанг, чунки ундаги крахмал ва С витамини йўқолади. Картошкани овқатга солишдан олдин яхшилаб ювиб ташласангиз бўлади.

⊙ Янги товани ишлатишдан олдин унга туз солиб, сувда яхшилаб қиздиринг, сўнг тузини артиб ташлаб, ёғ солингда доғланг.

⊙ Яхлаган гўштни яхдан туширишш учун кастрюлкага солиб, уйнинг нормал ҳарорати (18-20 градус)да эритинг, аммо гўштни илиқ жойга қўйиб ёки иссиқ сув қуйиб муздан туширмоқчи бўлсангиз, унинг мазаси йўқолади.

⊙ Айнийдиган буюмлар туз солинган сувда ювилса, ранги кетмайди.

⊙ Тухумни намакобли сувда пиширсангиз, ёрилмайди ва пўсти ҳам осонгина арчилади.

⊙ Қиш кунлари пойафзални кунора мойлаб турсангиз, унинг чарми юмшоқ бўлади ва сув ўтмайди.

● *Шунақаси ҳам бўлади*

Антарктидада «ИССИҚЛИК»

АНТАРКТИДАДАГИ совет қутбчилари «оқ қитъада» яна «иссиқлик бошланди», — деб радиограмма бермоқдалар. Кейинги кунларда ҳамма станциялардаги термометрларнинг симоб устунлари бирданига 10—20 градус юқорига кўтарилди ва ҳамон кўтарилиб бормоқда.

Ҳатто планетанинг совуқлик қутби — ички континентал «Восток» станциясида ҳам бугун совуқ «атиги» 13,6 градус холос. Ҳолбуки, бу ерда 1960 йилнинг августида манфий температура мутлоқ рекорди — цельсий ҳисоби билан минус 88,3 градус қайд этилганди. Станцияда қишловчилар неча йиллардан бери биринчи марта ниқобга ўралмай очиқ ҳавода анчагина сайр қилмоқдалар.

Мирний обсерваториясида плюс 3 градус, ёмғир ёғмоқда! Уйчаларни қоплаб олган кўп йиллик қор қатлами тез эриб кетмоқда. Антарктидаги энг совуқ станциялардан бири — Ленинград станциясида ҳаво ундан ҳам иссиқроқ. Қутбчилар олтинчи қитъани 18 йил мобайнида илмий ўзлаштириш борасида биринчи марта шундай қаттиқ иссиққа дуч келмоқдалар.

Қутбнинг таниқли тадқиқотчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. А. Корниловнинг фикрича, Тинч океан хавзасидан иссиқ ҳаво улкан тўлқини музлик гумбазига чиқиши туфайли ҳаво шундай илиган.

Н. КОНСТАНТИНОВ.
ТАСС мухбири.

Биллур қандиллар, нақшин эшиклар диққатингизни беихтиёр ўзига тортади. Муқимий номли музикали драма театри биноси шаҳримиздаги энг чиройли кошоналардан биридир.

Ю. Бутусов фотоси.

ОЛТИ ЭГИЗАК

ЛОНДОН. Кейптаун шаҳрида истиқомат қилувчи 25 яшар Сью Розенковиц деган аёл олти эгизак туғди. Унинг илгари ҳам икки боласи бор эди. Бу — Жанубий Африка республикасида эсон-омон туғилган биринчи олти эгизакдир. Врачларнинг айтишича, болалар ва онанинг аҳволи қониқарли. Янги туғилган чақалоқларнинг энг каттаси бўлган ўғилнинг вазни 2.080 грамм, энг кичиги бўлган қизчанинг оғирлиги 1.260 граммдир.

● *Эллар, элатлар*

Митти давлатлар

Европа материгида бир неча кичик давлатлар мавжуд. Жумладан, Андорра давлати. У Европанинг Жанубий ғарбида, Пиреней ярим ороли шарқида, Испания билан Франция давлат чегарасида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган. Майдони 465 квадрат километр бўлиб, аҳолиси 14 минг киши.

Андорра Валир дарёси водийсида жойлашган. Париж-Барселона темир йўли Андоррани бошқа мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан боғлайди. Андорра ҳозирги кунда Франция ва Испания протектората ҳисобланади. Давлатни урхель епископи, испан Хоан Марти Аланис бошқаради. 1882 йилдан бери бу давлат Францияга 960 франк, Испанияга 460 песот бож тўлаб келяпти. Мамлакатда озиқ-овқат, тамаки, ёғочсозлик саноатлари тараққий этган. Битта гидроэлектростанцияга эга. Давлатнинг асосий даромади чет эл туризмидан келади. Бу ерга ҳар йили 1 миллион турист келиб, хордиқ чиқариб кетади. Аҳолиси асосан деҳқончилик — арпа, қора буғдой, маккажўхори, картошка, тамаки ва узум етиштириш билан шуғулланади. Булардан ташқари, мамлакатда қўйчилик яхши ривож топган.

Андорра четдан — Испания ва Франциядан тайёр енгил саноат ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари келтиради. 1973 йилнинг июль-август ойларида Андоррага 3 миллион турист келиб кетди.

Бу кичик мамлакат тоғлик районда жойлашганлиги учун чет давлатлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқа қилиши анча қийин Темир йўлдан ташқари, Валире дарё соҳилидаги иккита автомобиль трассаси Андоррани Франция ва Испания билан чамбарчас боғлаган. Бу ерда автобус линияси мавжуд. Аҳоли асосан француз ва испан тилида гаплашади. Пойтахти — Андорра-Ла — Вьеха, унда 5800 киши яшайди. У денгиз юзасидан 1000 метр баландликда Валире дарёси бўйида жойлашган, бу ер ҳукуматнинг қароргоҳи ҳисобланади.

МОНАКО. Бу ер юздаги миниатюр давлатдир. У Ғарбий Европани Ўрта Ер денгизининг Лигурий қўлтиғи соҳилида, Франциянинг жанубида, денгиздан 1100 метр баландликда жойлашган. Майдони 1,5 квадрат километр, аҳолиси 28 минг киши. Пойтахти — Монако. Давлат тузуми конституцион монархиядир. Лекин бу давлат Франция ерида бўлганлиги учун қисман Францияга бўйсунади. Монако давлати 3 та Монако, Монте-Карло, Камдамин шаҳарларидан ташкил топган.

Монакода қишлоқ хўжалигида узум, цитрус ва бошқа ўсимлик турлари етиштирилади. Даромаднинг асосий қисми туризмдан ва 1863 йили Монте-Карлода ташкил топган қиморбоз уйидан келади. Бу ерга йилига 90 минг туристлар келиб кетади.

Бу мамлакат чет эллардан келган қиморбоз миллионер бойлар билан шуҳрат қозонган. Қиморбозлар учун шаҳарда алоҳида хоналар, уйинни тартибли олиб бориш учун судьялар коллегияси ташкил этилган.

Денгиз бўйида аҳоли балиқчилик билан кун кўради. Асосий аҳоли учта шаҳарда жойлашган — Монакода 6 минг киши, Кандаминда — 12 минг ва Монте-Карлода 10 минг аҳоли истиқомат қилади.

ВАТИКАН давлати Рим черкови бошлиқларининг қароргоҳи ҳисобланади. У Апенин ярим ороли марказида, Рим шаҳрининг ичида, денгиз сатҳидан 300 метр баландликда Монте-Ватикан тепалигида жойлашган. Ватиканнинг атрофи тош деворлар билан ўралган. Майдони 44 гектар, аҳолиси 1000 киши. Давлат ишлари лотин тилида олиб борилади. Бу давлат 1929 йилда Италия ҳукумати билан тузилган Латеран сулҳи натижасида ташкил топди. Пул бирлиги итальян лирасидир. Дунёда бу давлат бюджетини эълон қилмайдиган мамлакат ҳисобланади. Лекин тахминга кўра олтин ва валюта запаслари 12 миллиардни ташкил этади. Туристларни қизиқтирадиган йирик сарой ёдгорлиги Авлиё Пётр ибодатхонаси. Қадимий музейларда Миср, Юнонистон, Рим ноёб санъат асарлари мавжуд.

Ш. ЭРГАШЕВ,
география фанлари кандидати.

● *Табиат ажойиботлари*

ТЎТИНИНГ ҚИЗИҚУВЧАНЛИГИ

Мурманcклик Евдокия Ивановна Шарухинанинг уйи ўша куни тўс-тўполон бўлиб кетди: гапирадиган тўтича Кеша йўқолиб қолди. Кўчада киши уйидан чиқишга қўрқадиган даражада қаттиқ қор бўрони уфурарди. Кешанинг онаси ва отаси — Эра ва Филя деган тўтилар бир кунгача ўғилларини бетўхтов чақириб туришди:

— Ке-ша!.. Ке-ша!...

...Қутб томонда тўти камдан-кам бола очади. Евдокия Ивановнанинг Антил оролларидан келтирилган забонли тўтилари битта бола очди. Бунга аёлнинг илтимосига биноан маҳаллий ҳайвонот боғининг ходимлари тайёрлаб берган махсус хўрак рецепти ёрдам берган бўлиши мумкин.

Кеша уйида тўрт ойликка қадар яшади, ота-онасидек «гапиришни» ўрганиб олди. Кичикларга хос қизиқувчанлик уни очиқ форточкадан «бир қарашга» мажбур қилди. Қор-бўрони қушчани қамраб номаълум бир совуқ дунёга олиб кетди. Кеша қўрқиб қичқирарди... Унинг овозини эшитиб қолишди. Тўтича Е. И. Шарухинага қайтариб келтирилди.

В. ЗАСУХИН.
ТАСС мухбири.

● *Олимлар лабораториясида*

Муҳим изланиш

Шаҳримизда кўпгина илмий-тадқиқот институтлари бор. Шулардан бири Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Зоология ва паразитология институтидир.

Институтда ўн иккита лаборатория ташкил этилган бўлиб, шулардан тўрттаси зоология, учтаси энтомология, учтаси паразитология ва иккитаси ихтиология-гидробиология масалалари билан шуғулланади.

Заҳарли илонларнинг яшаш шароитини ўрганувчи лабораторияда илонларнинг табиий муҳитга мослашиши, тарқалиши ва ҳаёт кечиришини ўрганилади.

— Илонлар барча судралиб юрувчилар ичида энг қизиғидир, — дейди лаборатория раҳбари, биология фанлари кандидати Яҳё Давлатов. — Ўзбекистон территориясида илоннинг 20 хил тури учрайди. Маълумки, илон чаққанда энг яхши даво — заҳарга қарши зардобдир. Лекин, бу зардоб беморга юз фоиз ёрдам беради, дея олмаймиз. Чунки унинг таркибида инсон организми учун фойда бермайдиган, зарарли моддалар ҳам бор. Шунинг учун ҳам, ҳозир лабораториямизнинг бир группа илмий ходимлари илонларнинг заҳарини, қонини текшириб, уларнинг бир-бирига қариндошлик даражасини аниқлаш устида ишламоқдалар. Бу процесс химик ва физик тажрибалар орқали амалга оширилади. Унинг медицина соҳасидаги аҳамияти катта бўлади.

Ёзда лабораториянинг бир группа илмий ходимлари, биолог олимлар Қизилқумда, унинг жануби шарқий қисмидаги Куржук тоғида экспедицияда бўлдилар. Экспедиция бошлиғи, биология фанлари кандидати Едгоров Қизилқум ҳақида ҳикоя қилади:

— Қизилқумнинг ҳайвонот дунёси жуда бой, хилма-хилдир. Аммо унинг ғоят мураккаб иқлим шароити туфайли ҳайвонот дунёси атрофлича ўрганилмаган. Саҳрода уч ой давомида судралиб юрувчи ҳайвонлар экологиясига оид янги, жуда қизиқарли маълумотлар тўплаб қайтдик. Жумладан, экспедиция пайтида калтакесакларнинг гекконлар оиласига мансуб турлари, шарқ бўғма илончаси, пахтанинг зарарли ҳашаротларини еювчи агамалар, юқумли касалликлар тарқатувчи ҳар хил кемирувчилар топилди. Булар ҳозир экспериментал ишлар учун мўлжалланган илонлар питомнигида тажрибадан ўтказиляпти.

Б. СОАТОВА.

Ёввойи саримсоқнинг хосиятлари

Ғиёсиддин **ЖАЗОИРИЙ.**

● *ЎСИМЛИКЛАР ТИЛИ*

✦ МЕН ҚОН БОСИМИНИ ПАСАЙТИРАМАН. ✦ АГАР РАК КАСАЛИ ИЗИНГИЗГА ТУШСА, МЕНИНГ ОЛДИМГА КЕЛИНГ ✦ МЕН ҲАР ХИЛ ЗАҲАРЛАР ҚУВВАТИНИ КЕСУВЧИМАН ✦ ИШТАҲАНИ ОЧИБ, УЙКУНИ КЎПАЙТИРАМАН. ✦ КИШИ РУҲИГА ҚУВВАТ БЕРАМАН. ✦ АГАР МЕЪДА ОҒРИҒИДАН ҚИЙНАЛСАНГИЗ, МЕНДАН ШИФО ОЛИНГ!

Менинг форсча исмим «Мусир»дир. Баъзан мени «Тоғ пиёзи» деб ҳам атașади. Арабча исмим «Савм-ул-жибол», «Басал уз-зиб» ва «Басал уззиз»дир. Қадимий тиббий китобларда «Ашқардиюн» номи билан ҳам учрайман. Менинг қирқ хилдан ортиқ навим бор. Бир хил навим Эрон медицинасига «Балбус» номи билан кирган.

Кишиларга жисмоний ва руҳий қувват бағишлаш, қурт ва микробларни ўлдириш, қон томирларини тозалаш, қон босимини пасайтириш, нафас йўли фаолиятини яхшилаш ва қолаверса, рак касалининг олдини олиш пиёз ва саримсоқлар оиласининг азалий хосиятларидандир. Лекин, улардан, айниқса, саримсоқдан ейилганда бадбўй ҳид ҳосил қилиб, кўпчиликни безовта қилгани учун, одамлар уни ейишдан ўзларини тиядилар. Менда ҳам бу хислатдан озми-кўпми бўлса-да, бироқ оғиздан келадиган бадбўй ҳид қасалини даволайман ва оғизни хушбўй қиламан.

Мендан истеъмол қилишнинг энг яхши йўли қатиқ билан аралаштириб ейишдир. Сиз бунинг номини «Мосту мусир» («Қатиғу саримсоқ») деб атанг. Сўнг унга мурч ва туз солинг. Мендан истеъмол қилиш учун одатда мени бир неча кун сувга солиб қўядилар. Унинг сувини бир неча марта алмаштирадилар. Сўнг уни қатиқ ёки сиркага соладилар. Лекин, мен сизга тавсия қилиб айтаманки, сиз мени кўп сувга солиб, мендаги фойдали моддаларнинг исроф бўлишига йўл қўйманг. Яъни озгина сувга солинг. Шунда мен оз сувда ивисам ҳам, ўзимдан чиққан моддаларни қайтариб, яна шимиб оламан.

Мен овқатнинг тез ҳазм бўлишига ёрдам бераман. Сийдик ҳайдайман, заҳар қувватини кесаман, кўпгина кишилар заҳар қувватини кесишдаги кучимни саримсоқникидан кўп деб биладилар. Мен меъда ва ичак оғриқларини йўқотаман, иштаҳа қўзғатаман ва уйқу келтираман.

Балбус

Мен «Мусир»нинг бир туриман. Форслар мени «Аччиқ пиёз» деб атайди. Турклар «Доғ суғони», Лурстон аҳолиси эса, «Тарм» деб атайдилар.

Мен қувватни ошираман, мени танҳо ёки асал билан боғласалар, йиғилиб қолган асабларни ёзаман, лат еган жойларни тузатаман. Мени мурч билан қўшиб есалар, меъда қувватини ошираман, овқатнинг тез ҳазм бўлишига кўмаклашаман. Бундан ташқари товуқ тухумининг сариғи билан бирга захм изларига суркалса, изини йўқотаман.

Сирак

Менинг форсча исмим «Сирэк», «Сирча», «Сираж» ва «Саримсоқ ўт»дир. Мен саҳроларда учрайдиган ўтлардан бириман. Араблар мени «Хашишат ус-савм» деб атайдилар. Мени бундай деб аташларига сабаб шуки, томирим ва баргларимдан саримсоқнинг ҳиди келади. Аслида эса, менинг пиёз ва саримсоқлар оиласи билан ҳеч қандай алоқам йўқ. Уруғим Эрон медицинасига «Савмун» номи билан кирган бўлиб, «хардал» (горчица) каби аччиқ таъмга эга.

Мен кишиларга қувват бағишлайман ва терлатаман. Сийдиги тутиладиган кишиларга ҳам фойда қиламан. Мени хўл ҳолимда истеъмол қилинг. Чунки, қуриганимда хосиятим камаяди. Хўл баргларимнинг ширасини йирингли захмларга ва гангренага суркалса фойдалидир. Донларим бадан терисини горчичникка ўхшатиб қизартиради. Шунинг учун ундан горчичник ўрнида фойдаланиш мумкин. Менинг уруғимни форс тилида «Зардоб уруғ», турк тилида эса, «Сафро ўти» деб атайдилар.

Форсчадан **Маҳмуд ҲАСАНОВ** таржимаси.

ЭНГ СОВУҚ, ЭНГ ИССИҚ ЖОЙЛАР

◆ Ватанимизда энг совуқ бўладиган ерлар Ёқутистон Автоном Республикаси, Красноярск ўлкаси, Томск ва Магадан областларидир. Верхоянскда 67,6 даража, Оймякон посёлкасида 67,7, қор сиртида эса 69,6 даражагача совуқ кузатилган.

Швециянинг Лаксбакен деган жойида совуқ 53,3, Канададаги Снэг деган жойда 62,8 даражада, АҚШнинг Аляска ярим оролида 62,1 даражагача кўтарилган.

Антарктидадаги совет «Восток» метеорология станциясида Ер шарида энг паст ҳарорат — 88,3 даража совуқ бўлган.

◆ Европада энг юқори ҳарорат 47 даража иссиқни кўрсатган. Испаниянинг Сьюдад-Реаль шаҳри ва Кипр пойтахти Никозияда бу рақам қайд этилган. Осиё қитъасининг 53 даражагача чиқадиган энг иссиқ жойи Ҳиндистоннинг Тар деган саҳроси ҳисобланади.

Туркманистоннинг Репетек станциясида қум 77 градусгача қизигани кузатилган. Ўзбекистоннинг Шўрчи районидаги сариқ тупроқли суғориладиган ерлар ҳарорати 79 даражагача етади.

Рассом табассуми



— Нима керак, хоҳлаган нарсангизни топиб бераман.



Чайқов бозорида учрайдиган ғалати «кўз қараши»

С. Емгирчиев расмлари.

Боғлар файзи

Қалин қор ёғиши муносабати билан чанғи ишқибозларининг «иши» кўпайиб кетди. Буни инобатга олган шаҳар маданият бошқармаси спорт ишқибозларига бир қатор қулайликлар яратди.

«Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги», «Ленин комсомоли», Горький, Киров, Пушкин номли, «Победа» маданият ва истироҳат боғларида махсус прокат пунктлари ташкил қилинди. Уларнинг ҳар бири 30—40 тадан чанғи, коньки, чаналар билан таъминланди.

Барча боғларда мактаб ўқувчиларининг қорда чанғи учиш бўйича мусобақалари ўтказилмоқда.

Шу ойнинг охирларида Ўзбекистон қишига бағишланган турли хил байрам ва сайллар ўтказилади.

УЙ БЕКАЛАРИ УЧУН

⊙ Патли гилам ва шолчани чангдан тозалаш учун сув аралаштирилган сиркада хўлланган латта билан артиш керак.

⊙ Жерсидан тикилган кийимларни қайноқ сувда ювиш, қаттиқ ишқалаш мумкин эмас. Уни кирқ даражали иссиқ сувда «Лотос», «Новость» каби порошоклар билан ювиш керак. Жерси ранги оқармаслиги учун сувга озгина сирка қўшинг. Кийимни иложи борича тез ювиш, чайиш, сўнг оқ чойшабга илиб қўйиш лозим. Бир оздан кейин столга оқ дастурхон солиб, устига кийимни тўшаб, рахларини қўл билан текисланг. Шунда кийим янгидек бўлади.

⊙ Янги капрон пайпоқни кийишдан 2—3 соат олдин бир неча томчи глицерин қўшилган сувга солиб қўйсангиз, пайпоқ узоқ чидайди, шунингдек капрон пайпоқни ҳар гал кийгач, ювиш керак.

⊙ Қандала ҳаддан ташқари яшовчан бўлиб, ўн саккиз ой озиқсиз яшай олади. У ҳамма жойга, айниқса девор ва шип ёриқларига, печка, мебель, китоб ва шу кабилар орасига уя қуради. Қандалага қарши скипидар, сирка кислотаси, керосин, карбол кислотани алоҳида-алоҳида ёки бир-бирига аралаштириб ишлатса бўлади.

⊙ Оқ фетр буюмлар (шляпа, пойафзал ва ҳоказолар) кепак ёки тальк (оқ майин порошокка ўхшаш минерал)-да жуда яхши тозаланади. Фетр пойафзални ёғоч қипиғи билан ҳам тозаласа бўлади.

Қувноқ сатрлар

⊙ Ўқитувчи Тотодан сўради:
— Партанг устида саккизта пашша бор, агар улардан бирини ўлдирсанг, нечтаси қолади?
— Битта ўлган пашша қолади-да, — жавоб берди Тото.

⊙ ОНА: — Олмадан синглингга ҳам бердинг-ми?
ЖАННА: — Ҳа, ойи, мен унга жуда яхшисини бердим!
ОНА: — Қандай яхшисини?
ЖАННА: — Мен унга уруғини бердим, агар у бу уруғни экса, бир неча йилдан кейин унинг олмаси жуда кўп бўлади.

⊙ ЖАК: — Мишель, айтчи, ҳаво яхши бўлганда тепамизда нимани кўрамиз?
МИШЕЛЬ: — Осмон, булутлар ва қуёшни!
ЖАК: — Агар ҳаво ёмон бўлса-чи?
МИШЕЛЬ: — Зонтикни-да!

«Иссиққина ботинка».

«Хуррак отувчилар»

Шу куннинг интервьюси

Беғамлик эви билан-да!

Шу кунларда совуқнинг кучайиши муносабати билан шаҳарда ўт тушиш ҳоллари бирмунча кўпайиб боряпти. Ана шу кўнгилсиз ҳодисаларда айбдор бўлган кишиларнинг номларини бирма-бир санаб кўрсатиш анча қийин. Лекин, уларнинг ўзлари ана шу ўт тушишдан бирмунча жабр кўряптилар.

Ўт билан ўйнашиш, олдиндан унга бепарволик билан қараш оғир оқибатларга олиб келади. Бундан бир неча кун олдин шаҳримизда содир бўлган ҳодисани мисол қилиб кўрсатмоқчимиз. Бу мусибат қандай содир бўлди. Наҳотки унинг олдини олиш мумкин бўлмади?

Ҳамма иш кутилмаганда рўй берди. Болаларни қутқариб қолишнинг ҳеч иложи топилмади. Юз берган фожиа туфайли уч бола нобуд бўлди. Она уйдаги электр плиткани ёқилган ҳолда ташлаб кўчага чиқиб кетган. Плитка устидаги қуритиш учун қўйилган кийим-кечаклар ёнғинининг келиб чиқишига сабабчи бўлган.

Давлат ўт ўчириш назорати органларининг ходимлари нима учун ана шу бинода назорат ишларини олиб бормаганлар? Биз ана шу савол билан ўт ўчириш назорати бўлимининг бошлиғи Ю. И. Супирягинга мурожаат қилдик. У қуйидагиларни маълум қилди:

Кўнгилсиз ҳодиса юз берган вагончалар «Ташжилстрой» трестининг қурилиш-монтаж бошқармаси территориясига ўрнатилган. Биз ўтган йилнинг бошларида, — деб сўзини давом эттирди Юрий Иванович, ана шу қурилиш ташкилотининг раҳбарлигига қатъий тарзда норозилик ҳужжатини юбордик. Бу вагончалар вақтинча бошпана сифатида мослаштирилган бўлиб, уларда иситиш системалари ўрнатилмаган, электр тармоқлари шу куннинг талабларига мутлақо жавоб бермас эди. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки бошқарма бошлиғи С. Данилин ва трест бошқарувчиси А. Мавлудов бизнинг ҳужжатимизни қўлларига олиш билан вагончаларда яшовчи кишиларни талабга жавоб берадиган ётоқхонага кўчирдилар. Орадан бир неча ой ўтиши билан юқоридаги ҳужжат унутиб юборилди. Яна ўзбошимчалик билан таваккалига иш кўриш бошланди. Ана шу вагончаларга яна кишиларни кўчириб келтириш бошланди.

Ҳамма гап қурилиш ташкилотлари, бошқа айрим корхоналарнинг раҳбарлари ётоқхоналарда тез-тез бўлиб ишчи ва хизматчиларнинг яшаш шароитларидан хабар олиб турмасликларидадир. Ҳамма вақт ҳам комендантлар, техникларга ишни икки қўллаб ишониб топшириб бўлмайди.

Мактаб ўқувчиларининг қишки каникул кунлари жуда ҳам тартибли ва намунали ўтди. Клублар, маданият саройлари, болалар боғчалари ва катта биноларда ўрнатилган минглаб арчалар атрофида ҳеч қандай ҳодисалар юз бермади. Чунки, биз бу ишга олдиндан пухта тайёргарлик кўриб қўйган эдик. Ҳамма жойларда профилактика, ёнғин чиқишининг олдини олиш ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди, турли хил эълонлар ва плакатлар тарқатилди.

Мана шу кунларда ўт ўчириш бўлимининг марказий пультидаги «01» телефонига қўнғироқ қилишлар кўпайиб бормоқда. Бунинг сабаби нимада? Ҳаммаси эҳтиётсизлик, боқи-беғамлик оқибатида келиб чиқмоқда. Шу йилнинг тўққиз куни мобайнида 35 жойга зудлик билан боришга тўғри келди.

Қаттиқ совуқ бўлиши муносабати билан ҳамма ҳам ўз уйини яхшироқ иситишни хоҳлайди. Лекин, эрталаб ишга кетилаётган пайтда газ плиталари ёқилган ҳолда қолиб кетади. Ёки иситиш печкалари ҳаддан ташқари қизитиб юборилади.

Крамской кўчасидаги 42-уйда яшовчи Раҳимов хонадонида рўй берган кўнгилсиз ҳодиса эътиборсизлик оқибатида келиб чиқди. Бу хонадонда моддий зарар кўрилди.

Бешқайрағоч массивининг Дурбек кўчасидаги 11-уйда рўй берган ҳодиса анча ачинарлидир. Уй-жой биносидан ҳеч нарса қолмади, деб айтиш мумкин. Бу ҳодиса ҳақида ўт ўчириш командасига хабар жуда ҳам кечикиб берилган. Сигнал олиниши билан машиналар ана шу кўчадаги уйга олти минут ўтгандан кейин етиб бордилар. Ҳамма чора кўрилди. Лекин бахтсиз ҳодисанинг олдини олиб бўлмади. 5-ғишт заводлари бошқармасига қарашли Хуршид кўчасидаги икки қаватли бинода ҳам ўт чиқиши юз берди. Бу ерда ўт ўчирувчиларга ўз вақтида хабар берилганлиги туфайли кўнгилсиз ҳодисанинг олди олиб қолинди. Бу ерда фақатгина Галиевлар квартираси зарар кўрди.

Шаҳримиздаги бир қатор ташкилотлар, муассасаларнинг маъмуриятлари ҳам ўт чиқиш ҳолларига мутлақо зид келадиган ишларни қилмоқдалар.

Ўтган йили 2519 автоколоннада икки марта ўт тушиш ҳодисаси рўй берди. У тезда ўчирилди. Шундай бўлса ҳам катта зарар кўрилди. Корхона раҳбарлари давлат мулкига жуда ҳам эътиборсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар. Шу йилнинг 9 январь куни яна бир масъулиятсизлик қилинди. Автоколонна раҳбарлари 28-маршрутга техникавий жиҳатдан талабга жавоб бермайдиган автобусни йўлга чиқариб юбордилар. Бу машина бузуқлиги туфайли азбаройи қизиб кетганидан ёниб кетди.

Пушкин кўчасида 10 ЖЭҚ га қарашли 11-уй-жой биносида ҳам ўз вақтида қишга пухта тайёргарлик кўрилмади. ЖЭК бошлиғи ўртоқ Мирзаев ўтган йилнинг ёз пайтида расмий равишда огоҳлантирилган эди. У бинодаги мўрконларнинг аҳволини яхшиламади, иситиш системаларини кўнгилдагидек ремонт қилмади. Натижада район газ бўлимининг бошлиғи ўртоқ Панин бузуқ печларга иссиқлик оқимини юборишга рухсат берди.

Октябрь районидаги 16-ЖЭКга қарашли уй-жой биносида ҳам ана шундай воқеа содир бўлди. 2-Қорақамиш массивининг 4 микрорайонидаги 53-уй 57-квартирада яшовчи Дадахонов квартира хоналарини ёқиб юборди. Эндиликда у ўз қилмиши учун тегишли жавоб беради. Қизил-Арват кўчасидаги 44-уйда яшовчи Т. Осипов ҳам ана шундай безорилик қилди. У жанжал кўтариб қасддан уйини ёқиб юборди.

Тушган ўтни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш жуда осон. Кўпгина кишиларимиз уйлар, бинолардаги майда икир-чикирларга унчалик эътибор бермайдилар. Лекин, ана шундай майда камчиликлардан ёнғинлар келиб чиқишини унутмаслик керак!

Псковдаги экспериментал бадиий буюмлар заводи ўз маҳсулотлари билан мамлакатимизнинг кўпчилик жойларида машҳур. Айниқса, корхонанинг сопол ва ёғочдан ишланган оргинал кўкрак нишонлари, панно, кафе асбоблари, кўзачалар, ошхона наборлари ва бошқа уй-рўзғор учун мўлжалланган буюмлари Ватанимизнинг Москва, Ленинград каби кўпгина шаҳарларида шуҳрат қозонган.

СУРАТДА: «Рус» ресторанининг официанткаси В. И. Бородина ана шу заводда тайёрланган ёғочтаглик ёрдамида ишлатиладиган сопол буюмларни намойиш қил-моқда.

А. Овчинников фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Тунлари уйғоқ

РЕПОРТАЖ

«Сиз Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси пойтахти — Тошкентда жамоат тартибини сақлаш хизматига киришяпсиз...» Буйруқдаги бу сўзлар биринчи бор 1971 йил 31 декабрда шаҳарнинг бош майдонида ҳаракатдаги милициянинг группаси сафга тизилган пайтда жаранглаган эди.

Бундай қараганда ўтган икки йил қисқа вақтга ўхшайди. Бироқ шу даврда кўпгина ғайрли ишлар қилинди. Ҳозир шаҳар тунги кўчаларида бортига «Милиция» деган ёзуви бўлган ҳамда тепасида яшил чироғи «лип-лип» этиб, ёниб-ўчиб турувчи «Москвич» ва «газик» машиналарини тез-тез учратиб туриш мумкин. Улар тошкентликларга «Баҳузур ҳордиқ чиқараверинг, биз оромингизни қўриқлаймиз» дейдилар.

Ҳаракатдаги милиция группаси ўзининг унча енгил бўлмаган, айрим ҳолларда хавфли вахтасини ҳар қандай об-ҳаво шароитида олиб боряпти.

Тупроқ тўкилган қатор уйлар олдидан оҳиста ўтиб бораётган машинадаги патрулларга ўткинчилар завқ билан қарашади. Улар бир вақтнинг ўзида рация билан гаплашиб боради: «20-нчи ман», «алоқа боғлашингизни сўрайман»... Агар эфирда чақириш сигнали эшитилиб қолса, мотор бирдан шиддат билан ишлай бошлайди. Бунга марказий бошқарув пультида хизматда бўлган кишиларнинг гаплари қўшилиб кетади.

Агар буйруқ олиниб қолинса ҳаракатдаги милиция группаси ёрдам кутаётган одамлар томон зудлик билан жўнайди. Шу асснода тунлар кетидан тунлар ўтаверади. Ҳатто, келиши орзиқиб кутилган ва олдиндан унга пухта тайёргарлик кўриладиган янги йил кечасида ҳам шу аҳвол.

«ХМГ—20» ҳаракатдаги милиция группаси экипажи Киров районида хизмат олиб борарди. Машина Левитан кўчаси бўйлаб оҳиста олға интиларди. Экипаж командири Давлатбой Ботиров бирдан бежо ҳаракат қилиб турган икки йигитни кўриб қоларди. Шунда соат тунги 10 ни кўрсатарди. Йигитлар шошилганча кўчанинг иккинчи томонига ўтишди.

— Камолиддин, 100 метрча юргандан сўнг, машинани орқага бур, — дея буйруқ берди командир ҳайдовчи, кичик сержант Сибғатуллинга. — Ҳу, анави, иккаласини текширамиз, қадам олишлари бежога ўхшайди.

Ботиров буни бир нарсага тўла ишонган ҳолда айтган эди. Ҳамшаҳарларимиз сумкаларига совғаларини солиб олганча уйлари ёки меҳмондорчиликка ошиқардилар. «Йигитлар» эса, ёзув машинасини янги йилга тухфа қилиб кўтариб олишганди.

Патруллар томонидан тўхтатилган 4-трестнинг 43-қурилиш бошқармаси ишчилари — Александр Шукин ва Виктор Ишенкодан «Оптима» ёзув машинасини қаердан олганликларини сўралганда жавоб беролмадилар. Фақат кейинроқ, яъни Киров район бўлими терговчиси кабинетига олиб борилгач, улар бу «совғани» «Зарафшон» ресторанидан ўғирлаб олганликларига иқрор бўлдилар.

Тунги посбонлар яна ўз йўлларида давом этишди. Уларни янги йил кечасида яна нималар кутаётган экан? «20-нчи» командири ва бу группанинг бошқа аъзолари ҳар хил воқеалар кутишини аввалдан биладилар. Улар «уйлар»даги безорилар билан учрашишларини ҳам яхши тушунадилар. Чунки, ҳали ҳам оилаларда арзимаган нарсага жанжал кўтарувчилар оз эмас. Чиндан ҳам улар ўз уйларида яшириниб, ҳар қандай аҳмоқликни қиладилар. Лекин уларнинг қариндош-уруғ ва қўшнилари ҳаммасига чидаб милицияга шикоят қилишмайди. Энг муҳими шуки, бу жанжалкашлар қилармни қилиб қўйиб, ҳақсизликларини тан олишмайди, кишилар оромини бузишда давом этади.

Шунда навбатчи оператор безори тўғрисида шикоятни эшитиб, ҳодиса содир бўлган жойга боришни ҳаракатдаги милиция группасига топширади.

Ҳаракатдаги милиция группаси хотинини уриб хўрлаган, Тошкент область суғориш тармоқлари бошқармасининг алоқа бўлими бошлиғи С. Исмоилов, квартирасидаги буюмларга ўт қўйган тепловоз-вагон ремонти заводи слесари Г. Осипов, ва чақирган меҳмонни деразадан ташлаб жон сақлаб қолишга мажбур этган, Маданият министрлиги шофери Я. Хайруллин каби уй безориларини ушлашга ва район милиция бўлимига олиб келишга мажбур бўлди.

Абдуҳалил Болтабоев, Адҳам Мирҳидоятов сингари безорилар ҳам тез-тез учраб туради. Улар 7 январда «Курант» олдидаги такси бекатига маст ҳолда келиб биринчи бўлиб машинага ўтириш зарур бўлган йўловчилар билан жанжал чиқарадилар. Навбатсиз таксига ўтиришга рухсат бермаган ҳайдовчини бу безорилар калтаклашга киришади. Аммо улар шу заҳотиёқ милиция ходимлари томонидан ушланади.

Упа-эликлар фабрикасининг цех бошлиғи Болтабоев, Ҳамза район ошхоналар тресги ишлаб чиқариш бўлими мудири Мирҳидоятовлар бу ярамас ҳатти-ҳаракатлари учун энди қонун олдида жавоб беришади. Шу билан бирга уларнинг бу «хурмача қилиқ»лари ўз коллективлари эътиборидан ҳам четда қолмайди деб ўйлаймиз.

Кези келганда, коллективлар ҳусусида ҳам тўхтаб ўтгинг келади. Янги йил арафасида мен бир хунук воқеанинг гувоҳи бўлдим. Тунги соат 10 минут кам 23 да рациямиз орқали Фарҳод кўчасидаги «Табассум» магазини қошида муштлашиш бўлганлигини бизга хабар қилишди. Шу пайт бу микрорайонда «ХМГ—48» группаси патруллик қилиб юрарди. Тезлик билан магазинга етиб борганимизда уч йигит сотувчи З. Мирзахўжаевга ташланганлиги ва уни калтаклагани маълум бўлди. Безорилардан бири, — Чилонзор райпищеторги 1-базасининг ишчиси Раҳмон Юнусов экан. У тезлик билан қўлга олинди.

Мирзахўжаев билан бирга ишловчи дўстлари бу кўнгилсиз воқеанинг гувоҳи бўлишган. Аммо юз берган ҳодиса тўғрисида улардан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилинганида бундан бош тортдилар.

Шу вақтда янги йил киришига бир соатга яқин вақт қолган эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Бу коллективдаги ўртоқчилик тўғрисида нима деса бўлади? Бу билан милиция патрулининг қанча ғанимат вақти бекор кетганини улар билишармикан?

Биз оқшомхонларга шаҳримиз территорияси милиция группалари ҳаракат қилувчи 35 та зонага бўлинганлиги ҳақида ҳикоя қилган эдик. Бугунги кунда улар сони 58 тага етди. Тошкентнинг тунги кўчаларида патруллик қилувчи машиналар сони ҳам кўпайди деган сўз. Бу — тошкентликлар янада яхшироқ дам оладилар демакдир.

Суратда: ҳаракатдаги милиция группаларида алмашиш бораётган пайт.

А. ЕСЬКОВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг матбуот группаси ходими.

«Педагогик поэма» шу ерда яратилган эди

Полтава районининг Ковалев болалар уйидаги А. С. Макаренко музейи янги экспонатлар билан тўлдирилди. Бу ерда 50 йилдан кўпроқ муқаддам М. Горький номли меҳнат колонияси очилган эди. «Уларни колония тарбиялаган эди» деган стендда —«Педагогик поэма» қаҳрамонларининг тимсоли бўлиб қолган кишилар — Семён ва Галина Калабалинлар, Антон Соловьев, Николай Шершнев ҳамда Григорий Плишовларнинг фотосуратлари бор.

Хўш, уларнинг тақдири қандай бўлди? С. Калабалин ва унинг хотини Москва яқинидаги Клеменово қишлоғида жойлашган болалар уйида тарбиячи бўлиб ишламоқдалар. А. Соловьев Москвадаги заводлардан бирида, Г. Плишов Полтавадаги тепловоз ремонти заводида меҳнат қилмоқдалар. Н. Шершнев эса Комсомольск—Амур шаҳрида врачлик қилади.

«А. С. Макаренко сафдошлари» деган стенд атоқли педагог билан бирга яқин кишини тарбиялаш учун бутун куч, билим ва тажрибасини сарфлаган кишилар тўғрисида ҳикоя қилади.

(ТАСС мухбири).

ПОЛТАВА.

Спорт

Жаҳон чемпиони намуна кўрсатаяпти

ГДРдаги Лауш деган жойда (Зуль округи) бўлаётган социалистик мамлакатлардаги трамплиндан сакровчиларнинг «Дўстлик турнири» мусобақасида ГДРлик спортчилар муваффақият қозонишди.

Чанғида парвоз қилиш бўйича 1973 йилдаги жаҳон чемпиони Ханс-Георг Ашенбах пешқадамлик қилаяпти. Унинг 83:5 ва 87 метрга сакраши 225,4 очко билан баҳоланди. Райнер Шмит иккинчи ўринда — 219,6 (82 ва 86,5 метр), учинчи ўринда Бернд Экштайн — 219,5 — (86,5 ва 83 метр) бораяпти.

Совет спортчиси Гари Напалков 11 ўринни эгаллади. У 203,3 очко олди (78,5 ва 78).

Команда ҳисобида дастлабки уч ўринни уч составда қатнашаётган ГДРлик спортчилар эгаллашяпти. Совет спортчилари — учинчи ўринда.

ГДР, СССР, Чехословакия, Польша ва Болгариядан 60 га яқин «учувчи чанғичи» қатнашаётган мусобақанинг сўнгги ўйинлари якшанба куни Оберхофда бўлади.

Биринчи учрашувдаги ғалаба

Скандинавия мамлакатлари бўйлаб сафар қилиб юрган хоккей бўйича СССР терма командаси 17 январда Норвегия пойтахти Ослода ўртоқлик учрашуви ўтказди ва «Валле Ховин» сунъий музи устида майдон эгалари терма командасини 8:3 (6:1) ҳисобида ютди. Маслов, Герасимов, Лизавин ва Сивков мезбонлар дарвозасига иккитадан тўп киритишди.

Футбол янгиликлари

АМСТЕРДАМ. Амстердамдаги Европа чемпионлари Кубогининг уч маротаба қўлга киритган «Аякса» футболистлари Италиянинг «Милан» командасини бу ерда 6:0 (2:0) ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Бу Европадаги энг яхши икки клуб командасининг иккинчи учрашуви эди. Милландаги биринчи учрашувда мезбонлар 1:0 ҳисобида ютган эдилар.

«Аякса»нинг ўз майдонидаги афзаллиги биринчи таймдаёқ билинди. Команда футболчилари ўйиннинг биринчи ярмида 2 тўп киритишди. Иккинчи ярмида эса яна тўртта тўп киритиб ғалабани мустаҳкамлашди.

Зубрлар эркин яшамоқда

Кейинги вақтларда зубрлар доимо яшайдиган жойи — Беловеж ўрмонидан тобора узоқларда пайдо бўлмоқда.

— Зубрнинг кўчиш сабабларини ўрганиб чиқиш учун махсус хизмат ташкил этилди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда БССР ўрмон хўжалиги министрининг ўринбосари В. П. Романовский. — Зубрлар ўрмондан маълум маршрутлар бўйича кетаётганлиги аниқланди. Шулардан бири шимолга — Брест областидан Гродно областига олиб боради. Шу йўлдаги қишлоқларнинг номлари, шунингдек собиқ Гродно губерниясининг қадимги гербида тасвирланган зубр — ўрмон кўтослари бу ерда қадимги вақтларда кўп бўлганлигидан далолат беради.

Шу асрнинг бошларидан мамлакат территориясидаги зубрлар қириб битирилганди. Улуғ Ватан урушидан кейин ўрмоннинг совет қисмида питомник ташкил этилиб Польшадан бешта зубр келтирилгач ,улар яна тиклана бошлади. Ҳозир ўрмонда 79 та зубр бор, 118 таси кўпайтириш учун Совет Иттифоқининг бошқа районларига ва чет элга олиб кетилди.

Ҳозир энги миллий амалий проблемалар ҳал этилмоқда.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19|I да **Дон Карлос** (кечқурун). 20|I да **Улик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак** (кундузи). **Чио-Чио-Сан** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19|I да **Оқшомдан тушгача** (кечқурун). 20|I да **Йўқолган узук** (кундузи). **Самандар** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19|I да **Хонума хоним** (кечқурун). 20|I да **Ҳижрон** (кундуз ва кечқурун).

КИНО

18 ЯНВАРДА

Севги анатомияси — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Тилла зирак — Ғ. ҒУЛОМ (кечқурун).

Қора капитан — С. РАҲИМОВ номли (кечқурун).

Самовий саргузаштлар — «МИР» (кечқурун).

Дунё — А НАВОИЙ (кечқурун).

Кашмирдаги севги — «КЎКЧА» (кечқурун).

Анупама — «ҲАМЗА» (кечқурун).

Қонли тош — «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Йўқолган чиновник — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Қора капитан — «ДРУЖБА» (кечқурун).

19 ЯНВАРДА

Севги анатомияси — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА» (жуфт соатларда). «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Тилла зирак — Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Уч юз спартанлик — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Самовий саргузаштлар — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Дунё — А. НАВОИЙ (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Катта сайр — «СПУТНИК» (10.00, 12.00).

Анупама — «ҲАМЗА» (кундуз ва кечқурун).

Қонли тош — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Йўқолган чиновник — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Қора капитан — «ДРУЖБА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҚАРОРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ФАРМОЙИШИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН ЮҚОРИ ВОЛЬТЛИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҚОИДАЛАРИГА ҚАТТИҚ РИОЯ ҚИЛГАН ҲОЛДА ЎТКАЗИЛИШИ ЗАРУР

Нарядсиз ва схемасиз ер қазиш ишларини бажариш қатъиян тақиқланади.

Ер қазиш ишлари бажарилаётганда кабель хизмати ходимларидан ер ости электр кабеллари кўмиб қўйилган жойлар кўрсатилган ёзма огоҳлантирувчи хатларни талаб қилинг.

Бу ҳолларда қуйидаги телефонлар бўйича диспетчерлик пунктларга телефон қилинг:

Чилонзор район электр тармоғи — 77-19-72;
Куйбишев район электр тармоғи — 66-03-01;
Ленин район электр тармоғи — 91-23-21;
Собир Раҳимов район электр тармоғи 48-65-31.

ТЕГИШЛИ РАЙОН ЭЛЕКТР ТАРМОҒИ ВАКИЛЛАРИСИЗ ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ

ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси бошқармаси вакилларисиз канал ва ариқларни тозалаш

ТАҚИҚЛАНАДИ

Ёдда тутинг. Юқоридаги қоидаларга амал қилмаслик кабелларнинг шикастланишига ва ҳаёт учун хавфли бўлган бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ БОШҚАРМАСИ.

Телевизор

19 ЯНВАРЬ
Шанба

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.25 Кўрсатувлар программаси. 19.20 «До-ре-ми-фа-соль». Болалар учун музикали программа. (Ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.50 «Ахборот» информацион программаси. 20.05 «Идеология ва ҳаёт». Телевизион журнал. **Ўзбек тилида:** 20.30 Ўн минут музика. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги олдидан. «Гулла, яшна Жиззах чўллари». Биринчи кўрсатув. 21.30 Отажон Худойшукуров куйлайди. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Шафқатсизлик». Бадиий фильм (ўзбек тилида).

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 19.15 «Чин қалбдан». Реутов пахта-йигирув фабрикаси коллективи билан учрашув. 20.55 Рангли телевидение. «Пўлат қандай тобланди». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 5-серияси. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Азимут». Турист-ўлкашунослик клуби (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 Рангли телевидение. «73-йилнинг [illegible]». Телевидение фестивалининг якунловчи концерти. 01.20 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. 19.15 Душанба кўрсатади.

20 ЯНВАРЬ
Якшанба

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.25 Кўрсатувлар программаси. 9.30 Янгиликлар. 9.40 А. Гайдарнинг ижодий портрети (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 11.00 Кўрсатувлар программаси. 11.05 Янгиликлар. 11.10 Ўқувчилар учун. «Будильник». 11.40 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 12.35 Рангли телевидение. Болалар учун мультфильм. 12.55 Қишлоқ янгиликлари. 13.55 Адабий асарларни экранлаштириш. «Диканька қишлоғи оқшомлари». Бадиий фильм (рус тилида). 15.00 Музикали киоск. 15.30 Рангли телевидение. «[illegible]». Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М) — «Крылья Советов». В. И. Ленин номли Марказий стадион спорт саройидан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади.** 19.15 Кўрсатувлар программаси. 19.20 «Ахборот» информацион программаси. (рус тилида). **Ўзбек тилида:** 19.35 Телевизион миниатюралар театри (такрорий кўрсатув). 20.15 «Ахборот» информацион программаси. 20.35 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги олдидан. «Гулла, яшна Жиззах чўллари». Иккинчи кўрсатув. 21.05 Тошкент давлат консерваторияси Шарқ музикаси факультети студентларининг концерти. 21.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Ленин [illegible]». Бадиий фильм (рус тилида).

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув программаси. 10.00 1-3 синф ўқувчилари учун консультация. Сиртдан ўқийдиган студентлар учун: 10.30 Физика. 11.30 Немис тилидан 14-машғулот. 12.00 Назарий механика. 13.00 Немис тилидан 14-машғулот. 13.30 Олий математика (рус тилида). 14.00 Француз тилидан 14-машғулот. 14.30 «До-ре-ми-фа-соль». Болалар учун учун музикали программа (такрорий кўрсатув). 15.00 «Қизил палатка». Бадиий фильмнинг 2-серияси (ўзбек тилида). 18.25 «Оқ тери». Болалар учун мультфильм. 18.45 «Малышок» программаси (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 19.15 «В. И. Ленин». В. Маяковский асари асосида тайёрланган композиция. 20.00 Рангли телевидение. Киносаёҳатчилар клуби. 21.00 Рангли телевидение. «Пўлат қандай тобланди». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 6-серияси. **Тошкент кўрсатади.** [illegible] Реклама. [illegible] **Москва кўрсатади.** 24.00 Кўрсатувлар программаси. 00.05 Янгиликлар.

Учинчи программа. 17.00 Фрунзе кўрсатади.

Тошкент учет-кредит техникуми коллективи техникум ўқитувчиси М. Усмоновага отаси

Ғани Ниғмонович УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институтининг коллективи шу институт илмий ходими Х. Ф. Азизовга умр йўлдоши

Кутбиниссо ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент оқшоми 4 бет.
19 ЯНВАРЬ, 1974 й.
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КЎЧАСИ, 15-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, Эълонлар бўлими—33-81-42.
Р—03162. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр А—2989.